

**АЛИШЕР НАВОЙ НОМИДАГИ ЎЗБЕКИСТОН  
МИЛЛИЙ КУТУБХОНАСИ**

**КЕКСАЛАРИ ЭЪЗОЗ ТОПГАН ЮРТ**

Методик-библиографик кўлланма

Алишер Навой номидаги Ўзбекистон Миллий  
кутубхонаси нашриёти  
Тошкент – 2015

**78.342**

**К-35**

*Илмий-методика ва тадқиқот хизмати ҳамда Миллий библиография маълумотлари базасини шакллантириш хизмати томонидан тайёрланди*

*Тузувчилар: Л. Нарзиев, К. Комилова*

*Муҳаррирлар: Шукур Қурбон, Ш. Раҳимова*

Кексалари эъвоз топган юрт: методик-библиогр. қўлланма / Алишер Навоий ном. Ўзбекистон Миллий к-наси ; тузувчилар : Л. Нарзиев, К. Комилова ; муҳаррирлар : Ш. Қурбон, Ш. Раҳимова. – Тошкент : Алишер Навоий ном. Ўзбекистон Миллий к-наси нашриёти, 2015. – 90 б.

*КБК 78.342+91.9:66+016:32*

Ушбу методик қўлланма “Кексаларни эъвозлаш йили” муносабати билан тайёрланди. Қўлланмада “Кексаларни эъвозлаш йили”да ҳукуратимиз томонидан олиб борилаётган ишлар ва давлат дастури ҳақида умумий маълумотлар, шунингдек, ахборот-кутубхона муассасаларида ўтказилиши мумкин бўлган тадбирлар ҳамда адабиётларнинг библиографик рўйхати берилди.

Қўлланма ахборот-кутубхона муассасаларининг мутахассислари учун мўлжалланган.

© Алишер Навоий номидаги  
Ўзбекистон Миллий кутубхонаси  
нашриёти, 2015 йил

## МУҚ АДДИМА

*Барчамизни оқ ювиб, оқ тараган, она юртимизнинг оғир юкини, унинг қувонч ва таъвишини умр бўйи елкасида кўтариб келган мўътабар кексаларни рози қилиб, дуоларини олайлик.*

***ИСЛОМ КАРИМОВ***

Мустақилликнинг илк кунлариданоқ мамлакатимизда инсон эрки, унинг бахт-саодати бош ғоялардан бирига айланди. Мана неча йилдирки, ҳар янги йил юртимизга янги бир хайрли ном билан кириб келади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримовнинг ташаббуси билан 2015 йил “Кексаларни эъзозлаш йили” деб эълон қилинди.

Бу борада қабул қилинган “Кексаларни эъзозлаш йили Давлат дастури тўғрисида”ги Қарор республикамиз кекса фуқароларининг давлат ва жамият томонидан ижтимоий муҳофаза қилиниши, моддий ва маънавий кўллаб-қувватлашини янада оширишга доир аниқ чора-тадбирларни рўёбга чиқарилишига қаратилган.

Конституциямиздан ўрин олган 39 ва 45-моддаларда, Вазирлар Маҳкамасининг қарори ва фармонларида меҳнатга лаёқатсиз ва ёлғиз кексаларнинг ҳуқуқлари ҳамда манфаатлари қонун йўли билан юксак даражада қафолатланган.

Давлатимиз ва жамиятимиз томонидан нуроний ва кексаларимизга эътибор бутун йил мобайнида қилинадиган ишларнинг бош мезони, устувор, марказий вазифасига айланаётгани бутун халқимизни қувонтирмоқда.

Кексаларни эъзозлаш йилининг асосий вазифалари ҳақида гапирганда, қарилик гаштини сураётган кексаларимизни эъзозлаш, ҳурматини жойига қўйиш каби ишларни бажариш лозимдир.

Ахборот-кутубхона муассасаларининг вазифаси кексаларга (кексаликка) оид бадий, медицина, педагогик ва урф-одатлар, кадриятлар, одоб-ахлоққа оид бўлган асарларни ҳар томонлама чуқур ўрганиш ва китобхонлар ўртасида тарғиб қилишдан иборат.

Бу ишда ахборот-кутубхона муассасалари китоб тарғиботининг китоб такдимоти, билимдонлар беллашуви, тематик, савол-жавоб, мунозара ва учрашув кечалари, адабий-бадий мусиқали кечалар, китоб кўرғазмалари сингари турли-туман шакл ва усулларидан фойдаланишлари мумкин.

Ахборот-кутубхона муассасаларига Республика маънавият тарғибот марказининг жойлардаги бўлимлари, “Маҳалла”, “Нуроний”, “Олтин мерос” жамғармалари, “Камолот” ЁИХ, хотин-қизлар кўмитаси, ижтимоий таъминот ходимлари ва бошқа жамғармалар билан амалий ҳамкорлик ўрнатиш тавсия қилинади.

Ушбу қўлланмада юртимизда кексалар учун ҳукуратимиз томонидан қилинаётган ишлар ҳақида қисқача маълумотлар, шунингдек, 2015 йилда ахборот-кутубхона муассасалари томонидан амалга оширилиши мумкин бўлган тадбирлар режаси берилган.

Адабиётларнинг библиографик рўйхатини тузишда Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси фондида мавжуд адабиётлар ҳақида маълумот берувчи электрон ҳамда анъанавий каталог ва картотекалар, Ўзбекистон матбуоти солномаларидан фойдаланилди. Адабиётлар 2002–2015 йилларни ўз ичига олади. Адабиётларни йиғиш 2015 йил апрель ойида тугатилди. Рўйхат ўзбек тилида тузилган бўлиб, адабиётларга маълумот аннотацияси берилган. Бўлимлар ичида адабиётлар алифбо тартибда жойлаштирилган. Адабиётларнинг библиографик рўйхати кенг китобхонлар оммасига мўлжалланган.

## **Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Кексаларни эъзозлаш йили” Давлат дастури тўғрисида”ги Қарори**

Кексаларнинг ҳаёт даражаси ва сифатини янада яхшилаш, уларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлаш кўламини кенгайтириш, ёши улуғ инсонлар, айниқса, 1941–1945 йиллардаги уруш ва меҳнат fronti фахрийларига ижтимоий, пенсия таъминоти ва тиббий хизмат кўрсатишни такомиллаштириш, оила ва жамиятда, ёшларни ўзбек халқининг кўп асрлик қадрият ва анъаналари руҳида тарбиялашда кексаларнинг ўрнини мустаҳкамлаш мақсадида, шунингдек, 2015 йилнинг “Кексаларни эъзозлаш йили” деб эълон қилиниши муносабати билан:

1. “Кексаларни эъзозлаш йили” Давлат дастурини амалга оширишнинг устувор вазифа ва йўналишлари этиб қуйидагилар белгилансин:

кексаларга ғамхўрлик кўрсатиш ва эътиборни кучайтириш, уларнинг ҳаёт даражаси ва сифатини ошириш учун қулай ташкилий-ҳуқуқий шарт-шароитлар яратишга қаратилган қонунчилик ва меъёрий-ҳуқуқий базани янада такомиллаштириш, пенсия таъминоти ва ижтимоий қўллаб-қувватлаш тизимини такомиллаштириш, ёши улуғ инсонларга давлат хизматлари, шу жумладан, турли маълумотнома ва тасдиқловчи ҳужжатларни олиш хизматлари кўрсатишнинг энг қулай тизимини шакллантириш;

кексалар, авваламбор, фашизм устидан қозонилган ғалаба ва Ватанимизни қайта тиклашга муносиб ҳисса қўшган 1941–1945 йиллардаги уруш ва меҳнат fronti фахрийларини манзилли ижтимоий ҳимоя қилиш ва қўллаб-қувватлашни кучайтириш, ёши улуғ инсонлар, биринчи навбатда, ёлғиз қариялар ва ногиронларга кўрсатиладиган ижтимоий ва маиший хизматлар рўйхатини кенгайтириш, уларни фаровон ва муносиб турмуш шароитлари билан таъминлаш учун маҳаллалар, “Нуроний” жамғармаси, бошқа нодавлат ташкилотлари ва ижтимоий тузилмалар томонидан моддий ва маънавий қўллаб-қувватлаш миқёсини ошириш;

фахрийлар ва ёши улуғ инсонларга тиббий ва ижтимоий хизмат кўрсатиш даражаси ва сифатини ошириш, уларни тизимли асосда соғломлаштиришни ташкил этиш, профилактика тадбирларини кўпайтириш, кўриш ва эшитиш органлари, таянч-ҳаракат тизими ва юрак-қон томир касалликларини даволашнинг замонавий усуллари билан қамраб олиш ва улардан фойдаланишни кенгайтириш, кексалар ва ногиронларни ёрдамчи ҳамда техник реабилитация воситалари билан, жумладан, имтиёзли асосда таъминлаш, кексаларга хизмат кўрсатишга ихтисослаштирилган санатория-соғломлаштириш ва ижтимоий хизмат кўрсатиш муассасаларининг моддий-техник базасини янада мустаҳкамлаш;

мамлакатимизнинг мудофаа қобилияти, иқтисодий, маданий ва интеллектуал салоҳиятини ошириш, жамиятимизда тинчлик, тотувлик ва барқарорлик муҳитини мустаҳкамлашга бебаҳо хисса қўшган, соғлом ва баркамол униб ўсаётган авлодни тарбиялашда фаол иштирок этаётган кекса авлод вакилларига муносиб эътибор қаратиш ва уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш бўйича кенг кўламли чора-тадбирларни тизимли асосда амалга ошириш, оила ва жамиятда ёши улуғ инсонларнинг ўрни ва обрўсини ошириш, болалар ва ёшларни ота-оналарни, ҳар бир нурунийни чуқур ҳурмат қилиш, эъозлаш ва уларга ғамхўрлик кўрсатиш туйғуси руҳида тарбиялаш бўйича аниқ тадбирларни амалга ошириш;

ҳар бир кексага ҳар томонлама эътибор қаратиш бўйича амалга оширилаётган ишлар самарадорлигини кучайтириш ва ошириш, кексаларнинг ҳаёт фаолияти ва дам олишини ташкил этиш тизимини сифат жиҳатидан янги bosқичга кўтариш, бунда улар учун туман ва маҳаллаларда мулоқот марказлари, қизиқиши бўйича клублар ташкил этишга алоҳида эътибор қаратиш, жисмоний тарбия ва спорт билан шуғулланишлари учун шароит яратиш, телевидение, оммавий ахборот воситалари, кинотеатрлар, театр ва бошқа маданий-маърифий муассасаларда ёши улуғ инсонларнинг қизиқишларига мос мавзуда янги махсус кўрсатувлар, спектакль ва фильмлар яратиш ва эфирга узатиш ҳажмини кўпайтириш;

маҳаллалар ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ташкилий тузилмасида кексалар ва ногиронларга доимий эътибор қаратадиган секторни мустаҳкамлаш, бунда уларга хизмат кўрсатадиган идора ва хизматлар, биринчи навбатда, пенсия, ижтимоий ва тиббий таъминот хизматлари фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилишни назарда тутиш.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2014 йил 12 декабрдаги 4393-фармойишига мувофиқ тузилган Республика комиссияси томонидан манфаатдор вазирлик ва идоралар, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари, жамоат ва нодавлат ташкилотлари ҳамда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари билан ҳамкорликда ишлаб чиқилган “Кексаларни эъзозлаш йили” Давлат дастури иловага мувофиқ тасдиқлансин.

3. Республика комиссиясига (Ш. Мирзиёев) “Кексаларни эъзозлаш йили” Давлат дастурига киритилган тадбирларнинг тўлиқ, ўз вақтида ва сифатли бажарилишини ташкил этиш ва назорат қилиш юклансин.

Республика комиссияси:

бир ҳафта муддатда Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри, туман ва шаҳарларда Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси ва тегишли ҳудудлар ҳокимлари бошчилигида Давлат дастурини амалга ошириш бўйича тегишли комиссиялар ташкил этилишини таъминласин ва уларнинг зиммасига Давлат дастурида белгиланган вазифаларни сўзсиз, тўлиқ ва ўз вақтида бажарилиши учун шахсий жавобгарлик юклансин;

икки ҳафта муддатда вазирликлар, идоралар, компаниялар, уюшмалар ва бошқа хўжалик бирлашмалари, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари томонидан ҳар бир вазирлик ва идора, ҳудуд, шаҳар, туман ва аҳоли пунктларининг “Кексаларни эъзозлаш йили” бўйича ҳудудий ва тармоқ дастурлари ишлаб чиқилиши ҳамда қабул қилинишини таъминласин;

республика давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, шунингдек, жойлардаги давлат ҳокимияти органлари даражасида тасдиқланган Давлат дастурига киритилган тадбирларни ўз вақтида ва сифатли бажариш бўйича ишларни мувофиқлаштиради ва ушбу тадбирлар амалга оширилиши устидан тизимли назорат ўрнатсин;

ҳар чорак якунлари бўйича “Кексаларни эъзозлаш йили” Давлат дастурида белгиланган тадбирлар бажарилиши тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Президенти девонига ахборот бериб борсин.

4. Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги, Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси, Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлиги:

босма ва электрон оммавий ахборот воситалари, шу жумладан, интернет-ресурсларни жалб этган ҳолда, аҳоли ўртасида “Кексаларни эъзозлаш йили” Давлат дастурининг мақсад ва вазифалари, уни амалга ошириш бўйича асосий йўналишлар ва чора-тадбирлар мунтазам ва кенг кўламда ёритилишини;

давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, жойлардаги давлат ҳокимияти органлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ва нодавлат нотажорат ташкилотларининг Давлат дастурида назарда тутилган тадбирларни амалга оширишдаги иштироки ва қўшган аниқ ҳиссасини ақс эттирган ҳолда, Давлат дастурининг бажарилиши ҳақида кенг жамоатчиликни мунтазам хабардор қилиб боришни таъминласин.

5. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири Ш. Мирзиёев зиммасига юклансин.

*Ўзбекистон Республикаси  
Президенти И. Каримов  
Тошкент шаҳри,  
2015 йил 18 февраль*



## Кексаларни эъзозлаш – барчамизнинг фарзандлик бурчимиздир

*Мамлакатимизда 2015 йил “Кексаларни эъзозлаш йили”  
деб эълон қилиниши муносабати билан Давлат дастури  
қабул қилинди*

Кексаларни ҳурмат қилиш, уларга эътибор ва ғамхўрлик кўрсатиш жамиятимизнинг ўзига хос юксак. Ўзбек халқига азалдан маънавий ва маданий белгисидир. Ўзбек халқига азалдан хос бўлган фазилатлар истиқлолимизнинг дастлабки йилларидан мамлакатимизда давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бирига айланди.

Президентимиз Ислом Каримов томонидан ишлаб чиқилган иқтисодиётни ислоҳ этиш ва янгилаш бўйича беш тамойилга асосланган тараққиётнинг “ўзбек модели” мамлакатимиз истиқболини тубдан ўзгартириш йўналишларини белгилаб берди. Аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш бўйича мустаҳкам ҳуқуқий базага асосланган ишончли тизимни шакллантириш эса ушбу моделнинг асосий йўналишларидан биридир. Зеро, инсон, унинг ҳаёти ва орзу-умидлари давлатимизнинг доимий диққат эътиборида бўлиб келмоқда.

Давлатимиз раҳбарининг 2007 йил 19 мартда қабул қилинган “Аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш тизimini янада такомиллаштириш ва мустаҳкамлашга оид чора-тадбирлар тўғрисида”ги фармони ва 2011 йил 30 майдаги “2011–2015 йилларда ёлғиз кексалар, пенсионер ва ногиронларни ижтимоий ҳимоя қилишни кучайтириш бўйича кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори ва бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш бўйича аниқ йўналиш ҳамда вазифалар белгилаб берилган. Мазкур ҳужжатлар пенсия ёшидаги фуқаролар, Иккинчи жаҳон уруши ва меҳнат fronti фахрийларининг фаровонлигини таъминлаш, ҳаёт даражаси ва сифатини оширишда муҳим омил бўлиб хизмат қилмоқда.

Ижтимоий соҳанинг изчил такомиллаштириб борилаётгани Ўзбекистонда аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш борасида кенг

кўламли ишлар амалга оширилаётганидан ёркин далолат беради. Иқтисодиётимизнинг жадал ва барқарор ривожлантирилаётгани аҳоли турмуш даражаси ва сифатини муттасил оширишга асос бўлиб хизмат қилмоқда. Бунинг самарасида ўтган йили мамлакатимизда ёши улуғ инсонларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш мақсадида давлат бюджетидан 11 триллион 618 миллиард сўм пенсия, 105 миллиард сўмдан зиёд нафақа пули ажратилди. Ҳар йили уруш қатнашчилари ва фронт ортида меҳнат қилганларга бепул тиббий хизмат кўрсатилмоқда, улар санаторий-курортларда даволанмоқда, бошқа зарур воситалар билан таъминланмоқда.

Таъкидлаш жоизки, нодавлат ташкилотлар, ижтимоий тузилмалар ҳам кекса авлод вакилларига моддий ҳамда маънавий ёрдам кўрсатмоқда ва бу борадаги ишлар кўлами мунтазам кенгайиб бораётир. Масалан, ўтган йили кекса ёшдаги фуқаролар ҳаётини янада яхшилаш бўйича амалга оширилган ишларда Ўзбекистон Касаба уюшмалари федерацияси кенгаши, “Ўзфармсанот” давлат акциядорлик концерни, “Дори-дармон” акциядорлик компанияси, “Нуроний”, “Маҳалла” жамғармалари, “Камолот” ЁИХ ва бошқа ташкилотлар фаол иштирок этди. Уруш ва меҳнат фахрийлари ушбу ташкилотлар кўмагида Самарқанд, Бухоро, Хива, Термиз, Тошкент ва мамлакатимизнинг бошқа шаҳарларида саёҳатда бўлди, амбулатория ва стационар даволаш муассасаларида даволанди, санаторийларда саломатлигини тиклади.

Мамлакатимизда ёши улуғ инсонларнинг муносиб ҳаёт кечириши учун барча шароит яратилмоқда. Зеро, улар юртимизда тинчлик ва осойишталикни мустаҳкамлаш, Ватанимизнинг иқтисодий салоҳияти юксалишига катта ҳисса қўшган.

Жорий йилда ҳам ижтимоий соҳани ривожлантириш, ёлғиз кексалар, пенсионер ва ногиронларни, кам таъминланган оилаларни манзилли ижтимоий ҳимоя қилиш борасидаги ишлар кўлами янада кенгаймоқда. Президентимизнинг 2014 йил 13 октябрдаги “1941–1945 йиллардаги уруш ва меҳнат fronti фахрийларини ижтимоий қўллаб-қувватлашни янада

кучайтириш чора- тадбирлари тўғрисида”ги фармони ва 2015 йилнинг мамлакатимизда Кексаларни эъзозлаш йили деб эълон қилиниши ушбу йўналишда янги ташаббусларни бошлаб берди.

Давлатимиз раҳбарининг шу йил 18 февралдаги қарори билан тасдиқланган “Кексаларни эъзозлаш йили” Давлат дастурида жорий йилда амалга ошириладиган хайрли ишлар белгилаб берилган. Мазкур дастур кексаларнинг ҳаётини янада яхшилаш, уларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлаш кўламини кенгайтириш, ёши улуғ инсонлар, айниқса, 1941–1945 йиллардаги уруш ва меҳнат fronti фахрийларига ижтимоий, пенсия таъминоти ва тиббий хизмат кўрсатишни такомиллаштириш, оила ва жамиятда, ёшларни халқимизнинг кўп асрлик кадрият ва анъаналари руҳида тарбиялашда кексаларнинг ўрнини мустаҳкамлашга қаратилган.

Олти бўлимдан иборат ушбу дастурда кексаларга ғамхўрлик кўрсатиш ва эътиборни кучайтириш учун қулай ташкилий-ҳуқуқий шарт-шароитлар яратишга қаратилган қонунчилик ва меъёрий-ҳуқуқий базани янада такомиллаштириш кўзда тутилган. Бу борада ишлаб чиқиладиган ҳужжатларга мувофиқ, пенсия таъминоти ва ижтимоий қўллаб-қувватлаш тизимини такомиллаштириш, ёши улуғ инсонларга давлат хизматлари, жумладан, турли маълумотнома ва тасдиқловчи ҳужжатларни олиш хизматлари кўрсатишнинг энг қулай тизимини шакллантириш режалаштирилган.

Кексалар, авваламбор, 1941–1945 йиллардаги уруш ва меҳнат fronti фахрийларини манзилли ижтимоий ҳимоя қилиш ва қўллаб-қувватлаш кучайтирилади, ёши улуғ инсонлар, биринчи навбатда, ёлғиз қариялар ва ногиронларга кўрсатиладиган ижтимоий ва маиший хизматлар руйхати кенгайтирилади. Уларни фаровон ва муносиб турмуш шароитлари билан таъминлаш учун маҳаллалар, “Нуроний” жамғармаси, бошқа нодавлат ташкилотлар ва ижтимоий тузилмалар томонидан моддий ва маънавий қўллаб-қувватлаш кўламини кенгайтирилади.

Мисол учун, бу йил 1941–1945 йиллардаги уруш қатнашчиларининг ҳар бири мамлакатимизда ишлаб чиқарилган

телевизор ва мобилъ телефонлар билан бепул таъминланади, уларга маҳаллий ва шаҳарлараро чиқиш кўнғироклари учун ҳар ой абонент тўлови олинмасдан 60 дақиқалик бепул лимит берилади. Уруш ва меҳнат fronti фахрийлари мамлакатимиздаги санаторий-соғломлаштириш муассасаларига бориш учун йилига бир марта темир йўл транспортида бепул юриш ҳуқуқидан, шунингдек, ҳаво транспортида 50 фоиз миқдоридagi чегирмадан (бориш-келиш) фойдаланиши мумкин.

Давлат дастурида фахрийлар ва ёши улуғ инсонларга тиббий ва ижтимоий хизмат кўрсатиш даражаси ва сифатини ошириш, уларни тизимли асосда соғломлаштиришни ташкил этиш, профилактика тадбирларини кўпайтириш, даволашнинг замонавий усуллари билан камраб олиш ва улардан фойдаланишни кенгайтириш, кексалар ва ногиронларни ёрдамчи ҳамда техник реабилитация воситалари билан, жумладан, имтиёзли асосда таъминлаш, кексаларга хизмат кўрсатишга ихтисослаштирилган санаторий-соғломлаштириш ва ижтимоий хизмат кўрсатиш муассасаларининг моддий-техник базасини янада мустаҳкамлашга алоҳида эътибор қаратилган.

Жумладан, жорий йилда 1941–1945 йиллардаги уруш ва меҳнат фахрийларини Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги, Ўзбекистон Касаба уюшмалари федерацияси кенгаши ҳамда республика давлат ва хўжалик бошқаруви органларининг санаторий-соғломлаштириш муассасаларида бепул соғломлаштириш ташкил қилинади.

Бундан ташқари, бу йил ёши улуғ инсонлар кинотеатр, театр, музей, концерт томошалари ва бошқа маданий-маърифий тадбирларга бепул бориш имкониятига эга бўлади. 100 ва ундан катта ёшдаги кишиларни улуғлаш учун “Аср билан юзма-юз” акцияси ва бошқа шу каби тадбирларни ташкил этиш режалаштирилган.

Кексаларнинг ҳаёт фаолияти ва дам олишини ташкил этиш тизимини янги босқичга кўтаришга доир ишлар самарадорлиги оширилади, улар учун туман ва маҳаллаларда қизиқиши бўйича

клублар ташкил этиш, жисмоний тарбия ва спорт билан шуғулланишлари учун шароит яратишга алоҳида эътибор қаратилади. Шуниси диққатга сазоворки, барча маҳаллаларда отахонлар чойхоналари ташкил этилади ва уларда зарур шароитлар яратилади. Одатда, чойхонада маҳалла аҳли бир пиёла чой устида суҳбатлашиш, сўнги янгиликлардан хабардор бўлиш, шахмат-шашка ўйнаш учун тўпланади. Энди бу ерда улар биргаликда телевизор орқали махсус кўрсатувлар, спектакль ва фильмлар томоша қилиши мумкин. Жорий йилда кексалар учун мўлжалланган бундай томошалар тайёрлаш янада кўпаяди.

Маҳаллалар ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ташкилий тузилмасида кексалар ва ногиронларга доимий эътибор қаратадиган сектор мустаҳкамланади, бунда уларга хизмат кўрсатадиган идоралар, биринчи навбатда, пенсия, ижтимоий ва тиббий хизмат кўрсатувчи идоралар фаолияти мувофиқлаштириб борилади.

Ёлғиз ва ижтимоий ёрдамга муҳтож кексалар учун “Кексалар дуосини олайлик” акциясини ўтказиш ва тадбир доирасида уларни зарур мебель ва уй жиҳозлари, кийим-кечак, бадий адабиёт, стол ўйинлари тўпламлари билан таъминлаш режалаштирилган.

“Ҳеч ким меҳр ва эътибордан четда қолмасин” шиори остида тадбирлар ўтказиш мўлжалланган. Бу тадбирлар доирасида ҳар бир вилоятдан кекса авлод вакиллари мамлакатимизнинг диққатга сазовор жойлари билан таништириш учун саёҳат уюштирилади, “Энг яхши маҳалла гузари”, “Кексалар – оила таянчи” ҳудудий кўрик-танловлари ўтказилади.

“Кексаларни эъзозлаш йили” Давлат дастурида белгиланган ушбу хайрли ишларни амалга ошириш учун 2 триллион 246,5 миллиард сўм ва 229,6 миллион доллар ажратиш кўзда тутилган.

Бугунги дориломон кунларда умргузaronлик қилаётган фахрийларни ҳурмат қилиш, эъзозлаш, уларга эътибор қаратиш барчамизнинг фарзандлик бурчимиздир. Президентимиз Ислоҳ Каримовнинг “Ўзбекистон Республикаси фуқаролари – 1941–

1945 йиллардаги уруш ва меҳнат fronti фахрийларини “Иккинчи жаҳон урушидаги Ғалабанинг 70 йиллиги” эсдалик юбилей медали билан мукофотлаш тўғрисида”ги фармони ҳам кексаларга кўрсатилаётган ғамхўрликнинг яна бир ёрқин тасдиғи бўлди. Ушбу фармон фашизм устидан қозонилган Ғалабага бебаҳо ҳисса қўшган юртдошларимиз – 1941–1945 йиллардаги уруш ва меҳнат fronti фахрийларини муносиб ҳурмат-эҳтиром билан шарафлаш мақсадида қабул қилинди.

Инсон жасоратини эсга олиш ва уни қадрлаш бебаҳо маънавий бойлик, ҳеч нарса билан ўлчаб бўлмайдиган қадриятларимиздан биридир. Давлатнинг куч-қудрати нафақат унинг армияси билан, балки мамлакатда ҳукм сураётган тинчлик ва осойишталик, фуқароларнинг аҳиллиги, ҳамжихатлиги, ватанпарварлиги, ёши улуғ инсонларга кўрсатилаётган эътибор ва ғамхўрлигида ҳам намоён бўлади. Зеро, бу муқаддас замин – Ўзбекистонда инсон азиздир.

Мамлакатимизда кексаларни ҳар томонлама рағбатлантиришга доир амалга оширилаётган чора-тадбирлар улар учун нафақат моддий, айти пайтда катта маънавий-руҳий мададдир. Юртимизда бундай ҳурмат, эътибор ва ғамхўрлик учун чуқур миннатдорлик туйғуси фуқароларимизнинг тинч ва осуда ҳаёти, эртанги кунга бўлган мустаҳкам ишончида, ёш авлодни Ватанга, мустақилликнинг буюк ғояларига садоқат руҳида тарбиялашда ўз ифодасини топмоқда.

## **ҚАРИСИ БОР УЙНИНГ – ПАРИСИ БОР**

*Ота-боболаримизга ҳар томонлама ҳурмат, эъзоз ва эҳтиром кўрсатиш барчамиз учун ҳам қарз, ҳам фарздир.*

**ИСЛОМ КАРИМОВ**

*(Президент Ислом Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 22 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги “Мамлакатимизни демократик*

*янгилаш ва модернизация қилишга қаратилган тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириш – бош мақсадимиздир” маърузасидан олинган қайдлар)*

Кексаларни эъозлаш уларга чуқур ҳурмат, меҳр, илтифот ва эҳтиром кўрсатишдир.

\*\*\*

Кексаларга ҳурмат-эҳтиром, меҳр-оқибат кўрсатиш маънавий ҳаётимизнинг ажралмас қисмидир.

\*\*\*

Нуроний кексаларимизнинг жасорати ва фидойилиги биз учун ибратдир.

\*\*\*

Ота-боболаримизга ҳар томонлама ҳурмат, эъоз ва эҳтиром кўрсатиш барчамиз учун ҳам қарз, ҳам фарзидир.

\*\*\*

Хонадонларимиз кўрки бўлган пири бадавлат кексаларимизни ҳар томонлама кадрлайлик!

\*\*\*

Мўътабар ота-оналаримизни рози қилиш, уларнинг дуосини олиш дунёдаги энг улуғ, энг савобли ишдир.

\*\*\*

Кексаларимиз хонадонларимиз кўрки, авлоддан авлодга ўтиб келаётган кадриятларимиз, анъаналаримиз, бебаҳо меросимизнинг донишманд эгаларидир.

\*\*\*

Қайси хонадонда нуроний отахон ёки онахон бўлса, бу оилада албатта файзу барака, фаровонлик, аҳиллик бўлади.

\*\*\*

Бугун эришаётган ютуқларимизда ота-оналаримиз, мўътабар кексаларимизнинг улкан ва унутилмас хизмати бор.

\*\*\*

Кексаларнинг оғирини енгил, умрини узоқ қилиш инсоний бурчимиздир.

\*\*\*

Ёши улуғ одамларимиз яхши ният, эртанги кунимизга катта умид билан яшаётгани уларнинг қалби софлигидан далолатдир.

## **КЕКСАЛАР ВА ОТА ОНАЛАР ХОНАДОНЛАРИМИЗ ФАЙЗИ ВА ФАРИШТАСИДИР**

*Кексаларга эътибор ва  
гамхўрлик кўрсатиш, оғирини  
енгил қилиш, қадрлаш ва эъозлаш  
барчамиз учун, аввало, ҳукумат  
ва ҳокимият раҳбарлари учун ҳам  
фарз, ҳам қарз.*

**ИСЛОМ КАРИМОВ**

*(Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов асарлари ва маърузаларидан олинган кексалар ҳамда ота-оналарни эъозлашга оид қайдлар, алломаларнинг шу мавзудаги ҳикматлари, мақоллар, ҳадислар ва шеърӣ мисралардан намуналар)*

Қаерда кексаларга эътибор яхши бўлса, шу жойда файзу барака бор.

\*\*\*

Кексалар жамиятнинг илғор ҳаётӣ қатлами сифатида бойлигимиздир – уларни асраб-авайлашимиз ҳам қарз, ҳам фарздир.



\*\*\*

Кексаларни эъзозлаган юртнинг келажаги порлоқ бўлади.

\*\*\*

Ёши улуғларни эъзозлаган юртда маънавият юксак бўлади.

\*\*\*

Кексаларимизнинг ижтимоий ҳимоясини янада кучайтирайлик!

\*\*\*

Кексаларга ҳурмат – юксак маънавият белгиси.

\*\*\*

Кексаларни эъзозлаш – ўлмас қадриятларимиздан бири.

\*\*\*

Кексайган ота-онанинг суянчиғи бўлиш ҳар қандай фарзанд учун муқаддас бурчдир.

\*\*\*

Фахрийларимизнинг ҳурматини жойига қўйиш, кўнглини кўтариб, уларнинг ҳаётини мазмунли қилиш савобли ишдир.

\*\*\*

Бирон-бир кекса инсон давлат ва жамият эътиборидан четда қолмаслиги, ҳеч қачон ўзини ёлғиз ҳис этмаслиги лозим.

\*\*\*

Кексаларни эъзозлаш ҳар қандай миллатга кўрк, жамиятга файз бағишловчи гўзал фазилатдир.

\*\*\*

Кексалар маҳаллаларимиз файзи, хонадонларимиз кўркидир.

\*\*\*

Ёлғиз кексалар ва ногиронларга ҳамдард бўлайлик, уларга зарур кўмак ва маънавий мадад берайлик!

\*\*\*

Кексалар дуоси бизни бало-қазолардан асрайди.

\*\*\*

Донишманд кексаларимиз доимо эъзозда бўлсин!

\*\*\*

Кексаларни эъзозлаганлар кексайганда эъзозланадилар.

\*\*\*

Ёши улуғ, доно инсонлар – жамиятимиз кўрки.

\*\*\*

Кексалар фазилати – ҳаётимиз зийнати.

\*\*\*

Бугун ҳаётимизга фойз бағишлаб келаётган уруш катнашчилари, фронт орти иштирокчилари, фахрийларимизни доимо эъзозлайлик.

\*\*\*

Ўзингдан кейингиларга ибрат бўлай десанг, ўзингдан илгарилардан ибрат ол.

\*\*\*

Теран фикрни доим кексалардан қидиргин.

\*\*\*

Қариялар меҳри худди офтобдир.

\*\*\*

Кексаларни эъзозлаш миллий ва умуминсоний қадриятдир.

\*\*\*

Кишининг улуғлиги унинг ҳиммати билан билинади.

\*\*\*

Кексаларни қадрлаганлар қадр топаверади.

\*\*\*

Кексаликнинг безаги – ақл ва заковат.

\*\*\*

Кексаларнинг бахти яқинларининг муҳаббатидир.

\*\*\*

Қариганда яхши ном қолдириш бахтдир.

\*\*\*

Қарилик ранж, нолимаганга ганждир.

\*\*\*

Кексалик – донолик, кексалик – бахт.

\*\*\*

Кексалар – бизнинг бахтимиз.

\*\*\*

Улуғ кишиларни меҳнат етилтиради.

\*\*\*

Кексаларга мурувватли бўлайлик.

\*\*\*

Қариялар – бизнинг йўлбошчимиз ва суянчиғимиз.

\*\*\*

Кексаликнинг озиғи – донолик.

\*\*\*

Кексалар бизнинг маслаҳатчиларимиздир.

\*\*\*

Кексаларни эъвозлайлик, шунда биз ҳам эъвоз топамиз.

\*\*\*

Ёшлар умид билан, кексалар хотира билан яшайдилар.

\*\*\*

Кексалар – бойлигимиз.

\*\*\*

Кексаларни асранг – уларнинг дуолари сизни асрайди.

\*\*\*

Йўлдошинг кекса бўлса, сафаринг бехатар бўлади.

\*\*\*

Кексалари эъвоз топган юрт – тинч ва фаровон юрт.

\*\*\*

Фахрийлар – фахримиз.

\*\*\*

Қариялар кадр топган юртда меҳр-оқибат, қут-барака,  
тинчлик-хотиржамлик бўлади.

\*\*\*

Кексалик бахти барчамизга насиб этсин.

\*\*\*

Қариликни донолик безар,  
Ёшликни камтарлик.

\*\*\*

Ёшлик қувватию кексанинг ақли,  
Ғалаба гарови – бу халқнинг нақли.

\*\*\*

Ёшнинг ҳурмати – қарз,  
Қарининг ҳурмати – фарз.

\*\*\*

Кексалар – уйнинг фариштаси,  
Саранжоми, сариштаси.

\*\*\*

Ҳар кексадан бир нақл.

\*\*\*

Кексаларга ҳурмат – Ватанга эҳтиром!

## **ДУНЁ ОЛИМЛАРИ ВА ШАРҚ АЛЛОМАЛАРИНИНГ КЕКСАЛАРНИ ЭЪЗОЗЛАШ БОРАСИДАГИ ҲИКМАТЛАРИ**

Бошни фидо айла ато қошиға,  
Жисмингни қил садқа ано бошиға.

\*\*\*

Ота-онани ҳурмат қилиш фарзандлар учун мажбуриятдир. Бу иккисига хизматни бирдек қил, хизматинг қанча ортиқ бўлса ҳам, кам деб бил. Отанг олдида бошингни фидо қилиб, унинг боши учун бутун жисмингни садқа қилсанг арзийди. Икки дунёнинг обод бўлишини истасанг, шу икки одамнинг розилигини ол! Туну кунга нур бериб турган бирисини ой, бирисини қуёш бил, улар чизган чизиқдан ташқарига бир қадам ҳам чиқма. Ҳамма хизматни сен одоб билан бажар, “адаб”

сўзидаги “дол” каби қоматингни ҳам қил.

**Алишер Навоий**

\*\*\*

Кексалар ҳурматини чин дилдан бажо келтирувчи киши бахтлидир.

**Гёте**

\*\*\*

Кексалик ёшларга суянч ва муаллим бўлиши билан ҳам кадрлидир.

**Л. Моруа**

\*\*\*

Биз кексаларнинг донолигидан жуда кам фойдаланамиз.

**Л. Вовенарг**

\*\*\*

Кексага кўмак бер – суянган тоғинг,  
Буни тушунасан қариган чоғинг.

**Носир Хисрав**

## **БИЛАСИЗМИ?**

Бугун мамлакатимиз аҳолиси 31 миллион 500 кишини ташкил этмоқда.

\*\*\*

Олтмиш ёшдан ошганлар сони 2 миллион 873 мингдан кўпроқ кишини ташкил этади.

\*\*\*

Айни пайтда юртимизда 225 минг нафар 80 ёшдан, 44 минг нафар 90 ёшдан, 8 минг 700 нафар 100 ёшдан ошган табаррук қариялар яшамоқда.

\*\*\*

Орамизда 3 минг 109 нафар Иккинчи жаҳон уруши катнашчиси, 69 минг 994 нафар фронт ортида меҳнат қилган инсонлар бор.

\*\*\*

Тарихнавис олимларнинг таъкидлашларича, буюк инсонпарвар шоир Алишер Навоий ўз маблағи ҳисобидан 4 та мадраса, 16 дан ортиқ масжид, 50 дан ортиқ работ, 18 та ховуз, 16 та кўприк ва тўғон, 9 та ҳаммом қурдирган.

## **“КЕКСАЛАРНИ ЭЪЗОЗЛАШ ЙИЛИ”ДА АМАЛГА ОШИРИЛАДИГАН ИШЛАР ҲАҚИДА МАЪЛУМОТЛАР**

❖ “Ҳарбий хизматни ўтаган, ички ишлар, божхона органларида хизмат қилган шахслар ва улар оила аъзоларининг пенсия таъминоти тўғрисида”, “Кексалар, ногиронлар ва аҳолининг бошқа тоифалари учун ижтимоий хизматлар тўғрисида”, “Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодексига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси қонунлари лойиҳасини ишлаб чиқиш режалаштирилган.

❖ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 100 ёшга тўлган шахсларнинг пенсияларига энг кам ойлик иш ҳақининг 100 фоизи миқдоридида устама белгилаш ҳақидаги Фармони, Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ёлғиз қариялар, пенсионерлар ва ногиронларни ижтимоий муҳофаза қилиш тизимини янада мустаҳкамлаш ва ривожлантиришнинг 2015–2020 йилларга мўлжалланган Давлат дастури тўғрисида”, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 75 ёшга тўлган ва ундан ошган фуқароларни пенсия ва нафақа тўғри тайинланиши ва тўланишини текшириш натижалари бўйича аниқланган қарздорликдан озод қилиш тўғрисида, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “2015–2017 йилларда пенсия таъминотининг ягона идоралараро интеграциялашган ахборот тизимини жорий этиш тўғрисида”, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Қариялар учун

ижтимоий хизматларни тайинлаш ва кўрсатиш ҳамда уларга ижтимоий ёрдам кўрсатишнинг индивидуал дастурини шакллантириш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида”ги қарорлари лойиҳасини ишлаб чиқиш режалаштирилган.

❖ Фашизм устидан қозонилган Ғалабанинг 70 йиллиги шарафига Ўзбекистон Республикаси фуқаролари – 1941–1945 йиллар уруш ва меҳнат fronti фахрийларини эсдалик юбилей медаллари билан мукофотлаш ташкил қилинади.

❖ II Жаҳон урушида фашизм устидан қозонилган Ғалабанинг 70 йиллигини мамлакатимизда кенг байрам қилинишига бағишланган тадбирлар Дастури ишлаб чиқилади.

❖ 1941–1945 йиллардаги уруш ва меҳнат fronti фахрийларини моддий ва маънавий қўллаб-қувватлаш бўйича комплекс тадбирлар ўтказилиши ташкил қилинади, уларда куйидагилар назарда тутилаган:

1941–1945 йиллардаги уруш қатнашчиларига 9 май “Хотира ва кадрлаш куни” байрамига мўлжаллаб бир йўла мукофот пули тўлаш орқали улар моддий рағбатлантирилади;

1941–1945 йиллардаги урушнинг ҳар бир қатнашчисини мамлакатимизда ишлаб чиқарилган аналогли ва рақамли телевидение сигналларини қабул қиладиган телевизорлар билан бепул таъминланади;

1941–1945 йиллардаги урушнинг ҳар бир қатнашчисини Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган мобиль телефон аппарати билан бепул таъминланади;

1941–1945 йиллардаги уруш қатнашчиларига ойлик абонент тўлови ундирмасдан ҳар ойда 60 минут миқдоридида чиқувчи маҳаллий ва шаҳарлараро кўнғироқлар учун бепул лимит берилди;

1941–1945 йиллардаги уруш тамом бўлганлигининг 70 йиллигига, фашизм устидан қозонилган Ғалабага муносиб ҳисса қўшган ўзбекистонликларнинг қаҳрамонлиги ва жонбозлигига бағишланган почта маркалари ва конвертлар чиқарилади.

❖ 1941–1945 йиллардаги уруш ва меҳнат fronti фахрийлари учун коммунал хизматлар ҳақини тўлаш бўйича



имтиёзлар ўрнига белгиланган ҳар ойлик компенсация тўловлари тегишли равишда 50% ва 25% гача кўпайтирилади (амалдаги 45% ва 18% ўрнига).

❖ Республиканинг санаторий-соғломлаштириш муассасаларига бораётган 1941–1945 йиллардаги уруш ва меҳнат fronti фахрийларига бир йилда бир марта темир йўл транспортида бепул юриш, шунингдек, ҳаво транспорти йўлқираси қийматининг 50% и чегирилади (бориш ва қайтиш) ҳуқуқи берилади.

❖ 1941–1945 йиллардаги уруш ва меҳнат fronti фахрийлари, шунингдек, ёлғиз ва ижтимоий мададга муҳтож кекса кишиларнинг 2015–2017 йилларда уй-жой шароитларини яхшилашнинг ҳудудий дастурлари ишлаб чиқилади ва амалга оширилади, унда қуйидагилар назарда тутилади:

“Маҳалла” фонди ва “Нуроний” жамғармаси, маҳалла аҳолиси, айниқса, ёшлар, ҳомийлар ва саховатпешаларнинг фаол иштирокида ҳар бир маҳаллада камида бир нафар фахрийни (ҳаммаси бўлиб бир йилда 10 минг кишига яқин) камраб олган ҳолда 1941–1945 йиллардаги уруш қатнашчилари ва ногиронларининг, шунингдек, ёлғиз ва ижтимоий қўллаб-қувватлашга муҳтож кексаларнинг квартиралари ва уйларини республика бўйича ҳашар йўли билан жорий таъмирлаш, зарур ҳолларда эса мукамал таъмирлашни, шунингдек ҳовлиларни ободонлаштиришни назарда тутган ҳолда уларнинг турар-жой шароитларини яхшилаш дастури ишлаб чиқилади ва 2015–2017 йиллар мобайнида амалга оширилади.

❖ “Электрон ҳуқумат” тизимини ривожлантириш доирасида ([www.mygov.uz](http://www.mygov.uz) портали орқали уланишни ташкил этган ҳолда) замонавий ахборот-коммуникация технологияларидан кенг кўламда фойдаланиб, кексаларга кўрсатилаётган ижтимоий хизматлар сифати яхшиланади:

ёлғиз кексалар ва ногиронларга хонадонларида ижтимоий хизмат кўрсатишга электрон буюртманомалар бериш бўйича интерактив хизматлар;

ёлғиз кексалар ва ногиронларни “Саховат” ва “Мурувват” интернат-уйларига жойлаштириш учун аризалар бериш ҳамда

зарур ҳужжатлар рўйхатини электрон тарзда олиш бўйича интерактив хизматлар;

1941–1945 йиллардаги уруш ва меҳнат fronti фахрийларини санаторий-курортларда соғломлаштиришни электрон ҳисобга олиш дастурий комплекси;

ногирон шахсларнинг протез-ортопедия буюмлари ва реабилитация техник воситалари билан таъминланганлигини ҳисобга олиш бўйича махсус “Protez” дастури.

❖ Ижтимоий ҳимоя масалаларида кексаларнинг талаб-эҳтиёжларини тезкорлик билан эътиборга олиш тизимини яратиш, бунга куйидагиларни жорий этиш йўли билан эришилади:

кексаларга ишончли ва тўлиқ ахборот бериш, шунингдек, зарур ҳолларда ижтимоий хизматлар олиш масалаларида кўмаклашиш учун уларга ягона телефон рақами (call-center) бўйича интерактив аутсорсинг хизмати кўрсатиш;

пенсионерларга Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонларига мувофиқ, пенсия миқдорлари ошганлиги тўғрисида, шунингдек, улар юборган индивидуал сўровномаларга мувофиқ, пенсияларининг миқдорлари ҳақида хабардор қилувчи бепул SMS хабарларини жўнатиш бўйича интерактив хизматлар;

кўрсатилаётган ижтимоий хизматларнинг сифати тўғрисида Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги номига SMS хабарларини жўнатиш бўйича пенсия ёшидаги ёки ногирон абонентлар учун бепул хизматлар.

❖ Фуқароларнинг пенсияларини расмийлаштириш учун пенсия таъминоти органларининг талабномалари бўйича архив маълумотномаларини электрон шаклда етказиб беришнинг ахборот хизматларини жорий этиш бўйича намунавий лойиҳа амалга оширилади.

❖ Уруш ва меҳнат fronti фахрийларини, ёлғиз кексалар, пенсионерлар ва ногиронларни манзилли ижтимоий ҳимоя қилиш ва уларга моддий ёрдам беришнинг қўшимча чора-тадбирлари:

касаба уюшмаси ташкилотлари томонидан 23 минг нафар кекса кишиларга ижтимоий ёрдам берилади (озик-овқат маҳсулотлари, дори-дармонлар, уй-жойни таъмирлаш, коммунал хизматларга ҳақ тўлаш ва шу кабилар);

уруш ва меҳнат fronti фахрийларига, ёлғиз кексаларга, пенсионерлар ва ногиронларга Ўзбекистон Қизил Ярим ой жамияти томонидан уйда ижтимоий хизмат кўрсатишни ташкил этиш йўли билан уруш ва меҳнат fronti фахрийларини, ёлғиз кексалар, пенсионерлар ва ногиронлар кўшимча равишда қўллаб-қувватланади.

❖ 26 та “Саховат” ва “Мурувват” интернат-уйларида яшовчи кекса кишиларни маънавий ва моддий қўллаб-қувватлаш бўйича чора-тадбирлар комплекси ишлаб чиқилади ва амалга оширилади. Унда қуйидагилар назарда тутилади:

7 минг нафаргача кексаларни ётоқ чойшаб тўпламлари, шахсий гигиена воситалари, кийим-кечак, шу жумладан, кишки кийим-кечак билан таъминланади;

тадбирларни оммавий ахборот воситаларида ёритган ҳолда, улар учун маданий-кўнгилочар кечалар ташкил қилинади.

❖ Кекса кишиларга, биринчи навбатда ёлғиз ва ногирон кишиларга ижтимоий ва маиший хизматлар кўрсатиш, уларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлаш қўламлари кенгайтирилади;

кекса ёшдаги ногирон одамларнинг уюшган ҳолда дам олишлари учун шарт-шароитлар яратишга давлат грантлари бериш ва давлат ижтимоий буюртмаларини жойлаштириш орқали белгиланган вазифаларни амалга оширишда нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари фаол иштирок этиши ташкил қилинади.

❖ Кексаларда сурункали, шу жумладан яширин кечувчи ва илгари аниқланмаган касалликларни эрта аниқлаш йўли билан касалликлар профилактикасини кучайтириш мақсадида:

7–9 нафар тор мутахассислар (невролог, оториноларинголог, офтальмолог ва бошқалар) ҳамда ҚВП ва оилавий поликлиникаларнинг умумий амалиёт шифокорларидан

иборат гуруҳлар иштирокида кексалар чуқурлаштирилган тиббий кўриклардан ўтказилади;

республика қишлоқ туманларининг узоқ ва бориш қийин ҳудудларида жойлашган ҚВПларга бириктирилган 150 минг нафар кексалар республика ихтисослаштирилган тиббиёт марказлари ва тиббиёт олий ўқув юртларининг етакчи мутахассислари иштирокида чуқурлаштирилган тиббий кўриклар билан қамраб олинади;

сурункали касалликка чалинган кексаларнинг даврий диспансер кўриги (касаллик кечишига кўра, ҳар йили 2–6 марта) амалга оширилади;

1941–1945 йиллардаги уруш ва меҳнат fronti катнашчиларини чуқурлаштирилган тиббий кўриқдан ўтказиш натижалари асосида уларнинг саломатлик кўрсаткичлари бўйича шахсий маълумотлар базасини яратиш, соғломлаштириш ва санаторий-курорт шароитида даволаниши ташкил этилади.

❖ Кексаларни тиббий кўриқдан ва текширувлардан ўтказиш натижалари асосида:

республика ихтисослаштирилган ва илмий-амалий марказларида, илмий-тадқиқот институтлари ва олий ўқув муассасалари клиникаларида 120 та маҳорат дарслари ўтказган ҳолда 7 минг нафар кексага юқори технологияли ихтисослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатилади;

минтақавий тиббиёт муассасалари амалиётига диагностика ва даволашнинг 70 дан ортиқ янги усулларини жорий этган ҳолда, 400 та кўргазмали мураккаб жарроҳлик операциялари ўтказилиб, 18 минг нафар кексага вилоят кўп тармоқли тиббиёт марказларида юқори малакали тиббий ёрдам кўрсатилади.

❖ Кексалар учун юқори технологияли диагностика ва даволаш усулларидан фойдаланиш имкониятини ошириш мақсадида:

йирик бўғимлар касалликлари бор 200 нафар беморни реконструктив-тиклаш операцияларини бажариш йўли билан, умуртқа поғонаси касаллигига чалинган

1000 нафар беморга консерватив терапевтик даволаш йўли билан тиббий ёрдам кўрсатилади;

Юрак-қон томир касалликларига чалинган 800 нафар беморда юрак-қон артерияларини стентлаш, 100 нафар беморда аорто-коронар шунтлаш операциялари амалга оширилади;

кексалар катарактаси касаллигига чалинган 1000 нафар беморга ва глаукома касаллигига чалинган 500 нафар беморга кўзни сақлаб қолувчи операциялар бажариш йўли билан тиббий ёрдам кўрсатилади;

пешоб тош касаллиги, простата беzi аденомаси ва саратон касаллигига чалинган 750 нафар беморда кам инвазив урологик операциялар амалга оширилади;

қандли диабетнинг асорати сифатида юзага келган қон томирлари касалликлари бор 200 нафар беморда юқори технологияли операциялар амалга оширилади;

300 нафар беморларда ЛОР тизими касалликларини эрта аниқлаш мақсадида, эндоскопик ва отомикроскопик текширув усуллари амалга оширилади, синусит касаллигига чалинган 150 нафар беморда кам инвазив эндоскопик операциялар бажарилади.

❖ Шахсларнинг айрим гуруҳларини амбулатория шароитида даволаниш учун дори воситалари билан имтиёзли (бепул) таъминлаш тартиби такомиллаштирилади. Бунда қуйидагилар назарда тутилади:

1941–1945 йиллардаги уруш қатнашчиларини, шунингдек ёлғиз пенсионерларни манзилли рўйхатлар асосида ҚВПлар ва оилавий поликлиникалар томонидан тарқатиладиган махсус дори-дармон йиғмалари (аптечкалар), (оғриқсизлантирувчи воситалар, спазмолитиклар, гипотензив препаратлар ва бошқалар) билан бепул таъминланади;

ёлғиз пенсионерлар, 1941–1945 йиллардаги уруш ва меҳнат fronti қатнашчилари учун бепул ажратиладиган дори-дармонларнинг тасдиқланган рўйхатига кўшимча равишда юрак-қон томир, урологик, меъда-ичак тизими, кўз касалликлари ва бошқаларни даволаш учун қўлланиладиган

препаратлар (амброксол, спиронолактон, глимеперид ва шу кабилар) киритилади.

❖ Кексалар ва имконияти чекланган шахсларнинг ёрдамчи ва реабилитация техника воситалари билан таъминланганлигини ошириш бўйича комплекс тадбирлар амалга оширилади, шу жумладан қуйидагилар йўли билан:

12 минг нафар эҳтиёжманд ногиронларни протез-ортопедия буюмлари билан таъминлаш учун ажратилаётган маблағлар миқдори икки баробар оширилади (оёқ ва қўл протезлари, корсетлар, ортопедик пойабзал ва бошқалар) ва 4,5 мингта реабилитациянинг техник воситалари:

қўлтиқтаёқлар, ҳассалар, аравачалар, эшитув аппаратлари; республиканинг барча минтақаларида 420 нафар (ҳар бир ҳудудда 30 нафардан) кексалар ва ногиронлар учун кўшимча равишда ёрдамчи ва реабилитация техник воситалари бепул берилади;

кексалар учун кўшимча равишда 1000 дона ногиронлар аравачаси ажратилади;

реабилитация техника воситаларини бепул ажратиш учун асос бўлган касалликлар рўйхатини кенгайтириш (таянч-ҳаракат, асаб, қон айланиш органлари, суяк-мушак тизимлари касалликлари ва бошқалар).

❖ Айниқса, кексалар, ногиронлар, аёллар ва аҳолининг бошқа ижтимоий заиф тоифаларига юқори сифатли тиббий ёрдам кўрсатиш учун тиббиёт муассасалари, шу жумладан:

туман ва шаҳар тиббиёт бирлашмалари, шаҳар поликлиникалари;

онкология муассасалари;

вилоят кўп ихтисосли тиббиёт марказлари замонавий тиббиёт ускуналари билан жиҳозланади.

❖ 1941–1945 йиллардаги уруш ва меҳнат фронтининг 21 мингга яқин фахрийларини Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги, Ўзбекистон Касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши ҳамда давлат ва хўжалик бошқаруви бошқа органларининг идоравий мансуб санатория-соғломлаштириш муассасаларида;

30 мингдан ортиқ кексалар, ногиронлар ва аҳолининг бошқа ижтимоий заиф қатламларини Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлигининг санаторийларида;

2 минг ишловчи кексаларни (бепул), 1,5 минг кекса меҳнат фахрийларини (жамоа шартномалари орқали бепул), ходимларнинг ота-оналаридан ишламайдиган 2,5 минг пенсионерларни (имтиёзли асосда) касаба уюшмалари санаторийларида соғломлаштирилади.

❖ Бепул эмлаш йўли билан ижтимоий қўллаб-қувватлашга муҳтож бўлган кекса кишилар орасида юқумли касалликлар профилактикаси:

кекса кишилар, биринчи навбатда “Мурувват” ва “Саховат” интернат-уйлари контингенти орасида мавсумли гриппга қарши 15 минг киши;

кекса ёшдаги 200 минг шахс “В” гепатитига қарши эмланади.

❖ Турли ёш гуруҳларида (60–70 ёш, 70–80 ёш, 80–90 ёш, 90–100 ёш ва 100 ёшдан катта) овқатланиш, соғломлаштириш, соғлом турмуш тарзи юритиш бўйича аниқ тавсияларни ишлаб чиқиш юзасидан комплекс тадбирлар амалга оширилади.

Аҳолини, шу жумладан кекса ёшдаги шахсларни бойитилган ун ва йодланган туз билан таъминлаш йўли билан овқатланишни яхшилаш ва микронутриент етишмовчилиги профилактикаси бўйича дастурни амалга ошириш давом эттирилади.

❖ Республиканинг йирик шаҳарларида кексаларнинг мослашувчан жадвал бўйича вақтинча (бир ҳафтада 5 суткагача ёхуд фақат кундуз куни) бўлишини назарда тутувчи хусусий тадбиркорлик субъектлари иштирокида тижорат асосида кексалар учун юқори қулайликдаги хусусий пансионатлар ва дам олиш уйлари ташкил этилади.

❖ Тошкент тиббиёт академиясининг 2-клиникаси, вилоят марказлари ва Нукус шаҳри шаҳар тиббиёт бирлашмалари, шунингдек, “Саховат” интернат-уйлари базасида паллиатив даволаш (хоспис)нинг махсус бўлинмаларини ташкил этиш

йўли билан кекса ва қари беморларга тиббий ёрдам кўрсатиш яхшиланади.

❖ 2015–2016 йилларда Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги тизимининг санаторий-соғломлаштириш муассасалари ва интернат-уйларининг моддий-техника базасини янада мустаҳкамлаш бўйича комплекс чора-тадбирлар амалга оширилади, шу жумладан:

Тошкент вилоятидаги “Товоқсой” санаторийсида 90 ўринли ётоқ корпуси қурилади;

Самарқанд вилоятидаги “Марварид” санаторийсида 100 ўринли ётоқ корпуси, даволаш корпуси қурилади, ошхона реконструкция қилинади;

Сирдарё вилоятидаги “Саховат” интернат уйи ҳудудида 60 ўринли ётоқ корпусининг янги биносини ҳамда ҳаммом, кир ювиш хонаси қурилади;

Андижон, Фарғона, Наманган, Яккабоғ, Самарқанд “Саховат” уйлари, жисмоний тарбия заллари, сузиш ҳовузлари, қироатхоналар, мини-кинозаллар қурган ва ошхона, кир ювиш ускуналари, мебель билан жиҳозлаган ҳолда, уруш ва меҳнат фахрийлари учун республика пансионати бинолари ва иншоотлари қурилади ва реконструкция қилинади;

Тошкент шаҳрида “Нуроний” санаторийси биноси реконструкция қилинади;

Фарғона вилоятидаги “Олтиариқ” санаторийсида мавжуд бинолар, иншоотлар реконструкция қилинади ва 100 ўринли ётоқ корпуси қурилади;

Тошкент вилоятининг Оҳангарон шаҳридаги “Саховат” интернат уйининг ётоқ корпуси биноси реконструкция қилинади;

“Косонсой”, “Тахиатош”, “Маржонсуви” санаторийлари бинолари ва иншоотлари мукамал таъмирланади;

“Олтиариқ”, “Тахиатош”, “Марварид” санаторийлари тиббий ускуналар ва инвентарь билан жиҳозланади.

❖ Оилаларнинг кекса аъзоларини соғломлаштириш учун моддий-маиший шарт-шароитлар яхшиланади:



Тошкент шаҳридаги “Турон” санаторийсида 30 ўринли ётоқ корпуси ва 350 ўринли ошхона қурилади;

Фарғона вилоятидаги “Аҳмад ал-Фарғоний” дам олиш уйида ошхона биноси қурилади;

Жиззах вилоятида “Ҳоватоғ” санаторийси қурилади;

Республика ихтисослаштирилган терапия ва реабилитация илмий-амалий тиббиёт марказининг Термиз филиали реконструкция қилинади;

Фарғона вилоятидаги “Чимён” санаторийсида 5-ётоқ корпуси реконструкция қилинади;

Наманган вилояти “Чодак” қишлоғидаги дам олиш уйи реконструкция қилинади;

Бухоро вилоятидаги “Ситораи Моҳи Хоса” санаторийси ётоқ корпуси мукамал таъмирланади;

Наманган вилоятидаги “Косонсой” санаторийси даволаш корпуси мукамал таъмирланади;

касаба уюшмалари тизимидаги санаторийларда ташкил этилган “Уруш ва меҳнат fronti қатнашчилари” бўлинмалари тиббиёт ускуналари, юмшоқ ва қаттиқ инвентарь билан жиҳозланади.

Тошкент вилоятининг Янгийўл шаҳрида Кўзи ожизлар жамиятининг Марказий бошқаруви ҳузуридаги юрак-қон томир касалликлари санаторийси мукамал таъмирланади ва жиҳозланади.

❖ Халқаро кексалар кунида кекса кишиларни қутлаш бўйича комплекс маданий-маърифий ва хайрия тадбирлари ташкил этилади, шу жумладан:

мактаблар, касб-ҳунар коллежлари, академик лицейлар, олий таълим муассасаларида республиканинг кекса фуқароларини қутлашга бағишланган тантанали тадбирлар ўтказилади;

кексаларнинг кинотеатрлар, театрлар, музейлар, концерт томошалари, бошқа маданий-маърифий тадбирларга бепул бориши ташкил этилади;

2015 йил 26 сентябрда кекса кишилар дам оладиган гузарлар, истироҳат боғлари ва бошқа жойларни

ободонлаштириш бўйича хайрия ҳашари ўтказиш, бир кунлик иш ҳақи миқдоридagi тушган маблағларни, шунингдек, “Наврўз” ва “Мустақиллик куни” байрамлари арафасида ҳар йили ўтказиладиган ҳашарлардан тушадиган маблағларнинг 10 фоизгачасини кейинчалик кексаларни қўллаб-қувватлаш тадбирлари учун фойдаланиш мақсадида “Нуроний” жамғармасининг ҳудудий бўлинмалари ҳисоб рақамига ўтказилади.

❖ Иш берувчилар билан жамоа шартномалари тузиш орқали қуйидагилар ташкил этилади:

15 минг нафар пенсия ёшидаги шахсларга пенсияга чиқишдан олдин бир йўла моддий ёрдам берилади ва улар қимматбаҳо совғалар билан тақдирланади;

14 минг нафар пенсияга чиқиш арафасидаги ва пенсия ёшидаги шахсларга қимматбаҳо совғалар топширилади;

55 минг нафар ишламайдиган пенсионерларга (корхоналарнинг собиқ ходимларига) моддий ёрдам берилади.

❖ Кексаларнинг уй-жой-маиший шароитларини яхшилашда уларга ёрдам бериш, 1941–1945 йиллардаги уруш ва меҳнат фронти қатнашчилари ва ногиронларининг туғилган кунларини тантанали нишонлаш учун республиканинг барча туманлари ва шаҳарларида умумтаълим мактаблари, академик лицейлар, касб-ҳунар коллежлари ўқувчилари ва олий таълим муассасалари талабаларининг кучи билан “Нуронийлар эъзозимизда” патронаж ёшлар ҳаракати ташкил этилади.

❖ Таълим муассасаларида “Кексалар – оила чироғи” мавзусига бағишланган ўқув соатлари, семинарлар ва факультатив курсларни ташкил этиш учун ўқув-методик қўлланмалар, ўқув дастурлари ишлаб чиқилади ва нашр этилади.

“Кексаларимизнинг бир куни”, “Кексаларимиз ўғитлари”, “Фарзанднинг ота-она олдидagi бурчи ва вазифалари”, “Кексаларнинг ижтимоий муҳофазаси” мавзуларида буклетлар нашр этилади.

❖ “Кексаси бор хонадон – файзли хонадон” ва “Кексалар дуосини олайлик” иккита республика тадбири ўтказилади;

кексаларнинг ҳаёт даражаси ва сифатини ошириш учун қулай шарт-шароитлар яратишга қаратилган нодавлат нотижорат ташкилотларининг лойиҳалари ва дастурларини танлов асосида грант билан қўллаб-қувватлаш орқали катта авлодга мансуб шахсларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари ҳимоя қилинишини таъминлашда жамоатчилик, нодавлат нотижорат ташкилотларининг иштироки кенгайтирилади.

❖ “Ораста қизлар давраси” ҳудудий танловлари ғолиблари орасида “Кексаларни эъзозлаш – улуғ қадрият” шиори остида “Маҳалланинг энг ораста қизлари” республика анжумани;

хурматга сазовор кексалар, фахрийлар, фаол иқтидорли ёшлар иштирокида “Кексалари эъзозланган юрт” шиори остида республика анжумани;

“Ёш авлодни миллий қадриятларга эҳтиёткорлик билан муносабатда бўлиш, кекса авлодни ҳурмат қилиш ва эъзозлаш руҳида тарбиялашда таълим тизимининг ўрни” мавзусида илмий-амалий конференция;

умумтаълим муассасалари ўқувчилари орасида “Кексаларни эъзозлаш йили”га бағишланган энг яхши иншо танлови жамоат тадбирлари ташкил этилади.

❖ Ўзбекистонда яшаётган, ўзларининг фидокорона меҳнати ва муносиб ҳаёт йўли билан халқнинг ҳурмати ва эҳтиромига сазовор бўлган 100 ёшдан ошган кексалар тўғрисида “Мингта ибратли ҳаёт йўли” тўплами нашр этилади ва барча таълим муассасалари бепул таъминланади.

Болалар ёзувчилари ва шоирларининг ота-оналарни ҳурмат қилиш ва кексаларни эъзозлаш мавзусидаги бадиий асарлари, донишмандларнинг ўғитлари нашр этилади.

“Кексаларни эъзозлаб, дуосини олайлик!” методик қўлланмаси нашр этилади.

❖ 100 ёш ва ундан катта ёшдаги кишиларни улуғлаш бўйича “Аср билан юзма-юз” тадбири ташкил этилади. Тадбир қуйидагиларни ўз ичига олади:

100 ёш ва ундан катта ёшдаги ҳар бир кекса кишини бориб кўриш ҳамда у билан суҳбат ташкил этиш;

100 ёшдан ошган шахсларни минтақаларда ташкил этиладиган турли тадбирларга таклиф этиш.

❖ Кексаларнинг ҳаёти ва дам олишини ташкил этишга йўналтирилган куйидаги чора-тадбирлар комплекси амалга оширилади:

29 та янги маданият ва истироҳат боғлари барпо этилади, 18 та боғ реконструкция қилинади, 6 таси мукамал таъмирланади ва 3 таси жорий таъмирланади;

энг аввало, қишлоқ жойларда аҳолининг 170 та маданият ва дам олиш марказларини қуриш-таъмирлаш, жиҳозлаш ва фойдаланишга топшириш ишлари амалга оширилади;

Тошкент вилоятининг Юқори Чирчиқ туманидаги Саксон ота посёлкасида кексалар, ёшлар ва аҳолининг бошқа тоифалари учун спорт-соғломлаштириш ва кўнгил очиш “Ором” комплекси қурилади;

Андижон, Наманган ва Фарғона вилоятларидаги ҳар бир туманда, шаҳарда аҳолининг маданият ва дам олиш марказлари ҳузурида “Аския” клублари фаолияти ташкил этилади.

❖ Кекса ёшдаги кишилар учун барча 225 та маданият ва истироҳат боғларида ҳордиқ масканлари босқичма-босқич ташкил этилади, уларда газета ва журналларнинг (шу жумладан, 3 та республика нашрларининг) янги нусхалари билан таништирилади;

столусти ўйинлари (3 тадан шахмат, шашка ва шу кабилар комплекти) тақдим этилади, ҳар ойда камида 2 марта соғлом турмуш тарзи, жисмоний фаоллик, турли касалликлар профилактикаси тўғрисида лекциялар ташкил этилади.

❖ Асосан катта ёшдаги кишилардан иборат бўлган, шу жумладан, “Аму тўлқини”, (Қорақалпоғистон Республикаси), “Кўқон ёр-ёри” (Фарғона вилояти) ва “Бойсун” (Сурхондарё вилояти) фольклор-этнография ансамбллари ва бошқа ижодий жамоаларнинг фаолияти, уларнинг гастроль-концерт сафарлари уюштирилади, мусиқа асбоблари, жиҳозлар, сахна кийимлари харид қилиши ташкил этилади, репетиция ва тадбирлар учун хоналар билан таъминлаш йўли билан давлат томонидан қўллаб-қувватланади ва оммалаштирилади.

❖ Кексаларнинг дам олиши, жисмоний тарбия ва спорт билан шуғулланишлари учун қуйидаги йўллар билан қулай шарт-шароитлар яратилади:

маҳалла гузарларида ҳамда аҳолининг маданият ва дам олиш марказларида махсус тўғараклар, шунингдек, улар учун оммабоп фильмлар намойиш қилинади ҳамда мумтоз мусиқа асарларини тинглаш имкониятига эга бўлган қизиқишлар бўйича мулоқот клублари ташкил этилади;

ҳар бир маҳалла фуқаролар йиғинлари ҳузурида кексалар, ногиронлар ва аҳолининг бошқа тоифалари учун яқин атрофда жойлашган спорт иншоотлари, таълим муассасаларининг спорт заллари, оилавий поликлиникаларнинг даволаш-физкультура кабинетлари негизида доимий ишлайдиган соғломлаштириш гуруҳлари ташкил этилади, имконияти мавжуд бўлганда гузарларда ва маҳаллалардаги маиший хизмат кўрсатиш марказларида махсус спорт хоналари жиҳозланади.

❖ Спортнинг пиёда юриш, шахмат, шашка, волейбол, минифутбол, стол тенниси ва бошқа турлари бўйича катта ёшдаги кишилар ўртасида (60–70 ёшдагилар, 70 ёшдагилар ва ундан катта ёшдагилар учун алоҳида) “Кексалар завқи” спорт мусобақалари туман (шаҳар) ва минтақа даражаларида ташкил этилади ва ҳар йили ўтказилади, уларнинг ғолиблари қимматбаҳо совринлар билан мукофотланади ҳамда ушбу тадбирлар телевидениеда ва бошқа оммавий ахборот воситаларида кенг ёритилади.

❖ Телеканалларда кексалар ҳаётига бағишланган қуйидагиларни назарда тутувчи махсус рукнлар, мавзули кўрсатувлар ташкил этилади:

кексаларни жисмоний тарбия ва спорт билан шуғулланишга кенг жалб этишга, фаол турмуш тарзини юритишга йўналтирилган дастурлар (“Кексалар учун гимнастика”, “Мен кексалигимга қарамай ҳаракатчан ва соғломман” ток-шоуси ва бошқалар) яратилади ва трансляция қилинади;

“Ўлмас наволар” рукни ташкил этилади, унда ўзбек мумтоз мусиқаси дурдоналари, мақомлари, шунингдек, ўзбек

кинематографиясининг олтин фондидаги оммабоп муסיқий асарлар эшиттирилади;

“Ибрат мактаби”, “Хонадон файзи”, “Кексалари эъозланган юрт”, “Қариси бор уй”, “Бири ой, бири куёш”, “Донишмадлик фасли” теледастурлари ва телекўрсатувлари ташкил этилади;

маҳаллий телерадиоканалларда кексалигига қарамай, фаол меҳнат билан шуғулланаётганлар тўғрисида ҳикоя қилувчи “Ғайратли кексалар” (“Тиниб-тинчимас кексалар”) рукнида телекўрсатувлар яратилади ва намойиш қилинади, уларнинг ҳар ойда камида 2 марта намойиш этилиши таъминланади.

❖ Маҳаллий телерадиоканалларда қуйидаги масалаларга бағишланган 10 та махсус реклама роликлари тайёрланади ва трансляция қилинади:

кексаларга зарур даражада эътибор бериш, уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, уларнинг оилада ва жамиятдаги роли ва нуфузини ошириш, ёшларда кексаларни ҳурмат қилиш ва улар тўғрисида ғамхўрлик қилиш туйғуларини тарбиялаш;

кексаларни жисмоний тарбия билан шуғулланишга ҳамда фаол турмуш тарзини юритишга жалб этиш.

❖ Кексаларга эътибор ва ғамхўрликни ошириш бўйича чора-тадбирларнинг оммавий ахборот воситаларида ёритилиши кенгайтирилади, шу жумладан нодавлат босма нашрлари ва интернет-ОАВ, МТРК телеканаллари ва бошқа нодавлат телеканалларида репортажлар, ахборот сюжетлари, ижтимоий роликлар, телекўрсатувлар ва шу каби материаллар тайёрлаш кенгайтирилади.

❖ Ҳар йили:

ўзбек халқининг кексаларни эъозлаш бўйича кўп асрлик кадриятлари ва анъаналарини акс эттирадиган битта тўлик метражли бадиий фильм яратилади;

ўзбек халқ эртаклари мотивлари бўйича “Қари билганни пари билмас” мультипликацион фильмлар туркуми яратилади;

ҳар йили бош қахрамонлари кексалар бўлган битта бадиий фильм ва битта театр спектакли яратилади;

кекса ёшида фан, маданият ва санъатда катта натижаларга эришган, буюк илмий, адабий, муסיқали асарлар ва бошқа

маданий қадриятлар яратган ватандошларимиз ҳаёти ва фаолияти ҳақидаги “Умрбоқий сиймолар” ҳужжатли фильмлар сериялари яратилади.

❖ Кексаларнинг қизиқишларига, интеллектуал ва маданий эҳтиёжларига мос келадиган, шу жумладан саломатлигини сақлаш ва соғлом турмуш тарзини юритишга бағишланган, шунингдек поэзияга, тарихий, маданий ва бошқа мавзулар бўйича китоблар нашр этилади.

❖ Кексалар учун “Электрон ҳукумат” ахборот тизимига уйғунлаштирилган “Nuroni.Net” ихтисослаштирилган интернет-портали қуйидагиларни назарда тутган ҳолда яратилади:

ушбу порталнинг тегишли бўлимларида кексалар учун мавжуд бўлган имтиёзлар, пенсия тўғрисидаги ва бошқа қонунлар, янгиликлар, маслаҳатлар ва бошқа фойдали ахборотлар тўғрисидаги барча муҳим маълумотлар берилади, ушбу ахборотлар кексалар учун ижтимоий тармоқни яратиш имконияти билан мунтазам равишда янгилаб борилади.

ушбу порталга Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлигининг барча ҳудудий бўлимлари, “Саховат” интернат-уйлари ҳамда кексалар учун санаторийлар, аҳолининг маданият ва дам олиш марказлари, ахборот-ресурс марказлари уланади.

❖ Қуйидаги йўллар билан кексаларнинг тўлақонли хордиғини таъминлаш бўйича тадбирлар амалга оширилади:

боғларда, аҳолининг маданият ва дам олиш марказларида, маҳалла гузарларида Ўзбекистон ёзувчилари, шоирлари, артистлари ва бошқа атоқли фан, маданият ва санъат арбоблари билан ижодий учрашувлар ташкил этилади;

барча “Саховат” интернат-уйларида, кексаларни соғломлаштириш назарда тутилган санаторийларда ижодий учрашувлар, спектакллар ва кинофильмлар намойиши ташкил этилади;

“Умрбоқий наволар” мавзуида қадимий чолғу асбобларида ижро этувчиларнинг республика кўрик-танлови ташкил этилади;

расмлар, миллий либослар, совғалар, ошпазлик ва қандолатчилик маҳсулотлари кўرғазмалари, фотокўрғазмалар республикада истикомат қиладиган барча миллатлар кексалари иштирокида ташкил этилади.

❖ “Кексаларни эъозлаш йили” брошюраси тайёрланади ва нашр этилади, унга:

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 22 йиллигига бағишланган тантанали йиғилишдаги “Мамлакатимизни демократик янгилаш ва модернизация қилишга қаратилган тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириш – бош мақсадимиздир” ўзбек ва рус тилларидаги маърузаси;

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг “Кексаларни эъозлаш йили” Давлат дастури тўғрисида”ги қарори киритилади.

❖ “Кексаларни эъозлаш йили” Давлат дастурининг мақсадлари ва вазифаларини аҳолининг барча қатламлари ўртасида қуйидаги йўллар билан кенг тушунтириш ишлари ташкил этилади:

оммавий ахборот воситаларида “2015 йил – Кексаларни эъозлаш йили” махсус рукнлари ташкил этилади;

“Кексаларни эъозлаш йили”га ва Ўзбекистон Республикасининг Давлат рамзларига бағишланган плакатлар, баннерлар серияси нашр этилади;

ЎзА сайтида “Кексалар иззатда” мавзусида фотогалереялар ташкил этилади;

“Кексаси бор уйнинг файзи бор” мавзуида фотокўрғазмалар ташкил этилади.

❖ Ҳар бир катта ёшдаги кишига зарур даражада эътибор кўрсатиш ва уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга йўналтирилган қуйидаги номинациялар бўйича танловлар ташкил этилади ва ўтказилади:

“Энг яхши мақола”;

“Энг яхши теледастур”;

“Энг яхши эшиттириш”;

“Энг яхши ижтимоий ролик”;



“Энг яхши интернет-сайт”.

❖ Қишлоқ оилалари, шу жумладан, кексалари бор оилалар намунавий лойиҳалар бўйича 12 000 та якка тартибдаги уй-жойлар қуриш йўли билан, шинам уйлар билан таъминланади, уларнинг ҳаёт даражаси ва сифати оширилади.

Қишлоқ жойларда яшайдиган кексаларнинг ва бошқа аҳоли тоифаларининг мазмунли дам олиши ва вақтини фойдали ўтказишини таъминлаш учун қулай шарт-шароитлар яратиш мақсадида, қишлоқ жойларда намунавий лойиҳалар бўйича якка тартибдаги уй-жойлар массивларида 169 та ижтимоий ва бозор инфратузилмалари объектлари (гузарлар, савдо, маиший хизмат комплекслари ва шу кабилар) қурилади.

❖ Ҳар бир маҳалла ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш тузилмасида кексаларга ва ногиронларга доимий эътибор бериш масалалари бўйича комиссиялар, фуқаролар йиғинлари раислари бошчилигида пенсия, ижтимоий ва тиббий хизмат юзасидан жамоатчилик назорати масалалари бўйича комиссиялар тузилади, уларнинг фаолияти қуйидагиларга йўналтирилади:

кексаларга ва ногиронларга амалий ёрдам кўрсатиш, уларга ижтимоий, пенсия ва тиббий таъминот хизматлари кўрсатиш;

кексаларга ва ногиронларга, биринчи навбатда, пенсия, ижтимоий ва тиббий таъминот хизматлари кўрсатувчи идоралар ва хизматлар фаолияти юзасидан жамоатчилик назоратини амалга ошириш;

ижтимоий хизматлардан фойдаланиш учун маслаҳатлар бериш ва бошқа ёрдамлар кўрсатиш (анкеталар тўлдириш, маълумотномалар ёзиш, мурожаатлар тайёрлаш ва шу кабилар).

❖ Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича Республика кенгашига, шунингдек, вилоятлар, туманлар ва шаҳарлар ҳудудий кенгашларига, кексалар ва ногиронларга ижтимоий хизматлар кўрсатиш бўйича масъул идоралар ва хизматлар фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш бўйича вазифалар ва ваколатлар берилади, бунда қуйидагилар назарда тутилади:

давлат бошқаруви, ижтимоий, пенсия ва тиббий таъминот органларига ва бошқа идораларга тегишли сўровлар юбориш бўйича мувофиқлаштирувчи кенгашлар ҳуқуқлари қонуний мустаҳкамланади;

мувофиқлаштирувчи кенгашларнинг кексаларга ва ногиронларга кўрсатиладиган ижтимоий хизматлар сифатини ошириш масалаларини амалий ҳал этишдаги иштирокини кучайтириш механизми ва ишлари такомиллаштирилади.

❖ Маҳаллалардаги ёлғиз кексаларга ва аҳолининг ижтимоий заиф тоифаларига бюджетда аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлаш учун назарда тутилган маблағлар доирасида белгиланган моддий ёрдам кўрсатилади, бунда кўрсатиладиган қўллаб-қувватлашнинг манзиллигини таъминлашга, ҳақиқатда муҳтож бўлган кексаларни, ёлғиз пенсионерларни аниқлашга алоҳида эътибор қаратилади.

❖ Маҳаллаларда 10 минг нафар ёлғиз ва ижтимоий ёрдамга муҳтож кексалар учун “Кексалар дуосини олайлик” тадбири ўтказилади. Ушбу тадбирда қуйидагилар назарда тутилади:

уларни зарур мебеллар ва уй-рўзғор буюмлари (столлар, стуллар, палос, кўрпа-ёстиклар, зарур идиш-товоқлар), шунингдек, кийим-кечаклар, биринчи навбатда, қишки кийим-кечаклар билан таъминланади;

куз-қиш мавсумида сабзавотлар ғамлашга кўмаклашилади, шунингдек, улар 25 килограммдан ун ва гуруч, 10 килограммдан шакар ва ўсимлик ёғи билан таъминланади.

❖ Энг аввало, маҳаллаларнинг тадбиркорлари, ҳар бир маҳалла гузари ҳисобига республика ва маҳаллий даврий нашрлар, бадиий адабиётлар, шунингдек, шахмат ва шашка комплекслари билан таъминлайди.

❖ “Ҳеч ким меҳр ва эътибордан четда қолмасин” шиори остида тадбирлар амалга оширилади, уларда қуйидагилар назарда тутилади:

республиканинг ҳар бир ҳудудидан кекса ёшдаги 1000 кишини тарихий жойлар билан таништириш учун сайёҳлик сафарлари ташкил этилади;

уруш ва меҳнат фахрийлари иштирокида ўқувчилар учун бепул экскурсия поезда ташкил қилинади;

хар бир туман ва шаҳардан ёрдамга муҳтож 500 нафар кекса, пенсионер ва ногиронлар уй-рўзгор буюмлари билан таъминланади.

❖ “Энг яхши маҳалла гузари”, “Кекса авлод – оила таянчи” худудий кўрик-танловлари ташкил этилади ва ўтказилади.

❖ Маҳаллаларда қуйидаги тадбирлар ташкил этилади ва ўтказилади:

50 йилдан ортиқ биргаликда ахил-иноқ яшаб келаётган, ўзининг фидокорона меҳнати билан мустақиллигимизни ривожлантириш ва мустаҳкамлашга салмоқли улуш қўшган ва муносиб фарзандларни тарбиялаган ота-оналар оилаларига бағишланган “Меҳр-муҳаббат ва тотувликда кечаётган узок умр” мавзусидаги тадбирлар;

“Қариси бор уйнинг париси бор”, “Қариялар – хонадонларимиз файзи” мавзуларида миллий-маънавий кадриятлар ва анъаналарни тарғиб этиш мақсадида уч авлод вакиллари учрашувлари.

❖ Давлат дастури доирасида амалга ошириладиган тадбирларга 2 246,5 миллиард сўм ва 229,6 миллион доллар миқдорида маблағ йўналтирилади.

# “КЕКСАЛАР ИЗЗАТДА” МАВЗУИДА КИТОБ-РАСМЛИ КЎРГАЗМА ТАЙЁРЛАШНИНГ ТАХМИНИЙ РЕЖАСИ

Китоб кўргазмасини “Кексаларни эъозлаш йили”га бағишлаб ахборот-кутубхона муассасаларида ташкил этишни тавсия қиламиз. Ушбу кўргазманинг виртуал кўринишини ахборот-кутубхона муассасаларининг расмий сайтларида ҳам ташкил этиш мумкин. Бунда мавзуга доир адабиётлар ва уларнинг аннотацияси ва тегишли ҳужжатлар, расмлар жойлаштирилади. Кўргазма кўйидаги бўлимлардан иборат бўлиши мумкин.

## **1. Кексаларимизнинг ижтимоий ҳимоясини янада кучайтирайлик!**

*Бирон-бир кекса инсон давлат ва жамият эътиборидан четда қолмаслиги, ҳеч қачон ўзини ёлғиз ҳис этмаслиги лозим.*

***И. КАРИМОВ***

Бу бўлимга кексалар, қариялар, пенсионерларни ижтимоий муҳофаза қилиш тўғрисида меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар, “Кексаларни эъозлаш йили”га оид материаллар, Президентимиз И. Каримовнинг асарлари, “Кексаларни эъозлаш йили” Давлат дастури кўйилади.

## **2. Кексаларга ҳурмат – юксак маънавият белгиси**

*Кексаларимиз хонадонларимиз кўрки, авлоддан-авлодга ўтиб келаётган қадриятларимиз, анъаналаримиз, бебаҳо*

*меросимизнинг  
эгаларидир.*

*донишманд*

***И. КАРИМОВ***

Бу бўлимга оила ва жамиятда ёши улуг инсонларнинг ўрни ва обрўсини ошириш, болалар ва ёшларни ота-оналарни, ҳар бир нурунийни чуқур ҳурмат қилиш, эъзозлаш ва уларга ғамхўрлик кўрсатиш туйғуси руҳида тарбиялаш, шунингдек, кексалик, нурунийликка доир олимларнинг асарлари, фикр-мулоҳазалари жам бўлган адабиётлар қўйилади.

### **3. Фахрийлар – фахримиз**

*Бугун ҳаётимизга файз  
бағишлаб келаётган уруш  
қатнашчилари, фронт орти  
иштирокчилари, фахрийларимизни  
доимо эъзозлайлик.*

***И. КАРИМОВ***

Бу бўлимга 1 октябрь – Халқаро кексалар куни ва 9 май – “Хотира ва кадрлаш куни” байрамига бағишланган материаллар қўйилади.

### **4. Кексаларга ҳурмат – Ватанга эҳтиром!**

*Кексалар жамиятнинг  
илгор ҳаётий қатлами  
сифатида бойлигимиздир –  
уларни асраб-авайлашимиз ҳам  
қарз, ҳам фарздир.*

***И. КАРИМОВ***

Бу бўлимга ҳукуратимиз томонидан кексалар, нуронийлар, фахрийларга берилаётган ҳар томонлама эътибор, ғамхўрлик ҳамда имкониятлар ҳақида материаллар қўйилади.

## **“КЕКСА АВЛОД – ОИЛА ТАЯНЧИ” хафталик дастури**

Ушбу дастур намунавий бўлиб тадбирларни ахборот-кутубхона муассасаларида ўтказишни тавсия қиламиз. Ахборот-кутубхона муассасалари ўз имконият ва шароитларидан келиб чиқиб, тўлиқ равишда ёки хафталикнинг маълум бир кунини белгилаб ўтказишлари мумкин. Дастурга ўзгартириш ва қўшимча киритилиши мумкин. Ахборот-кутубхона муассасалари мутахассислари қўлланмада берилган материаллар ва адабиётлар рўйхатида келтирилган манбалар асосида тадбирларни тўлдиришни тавсия қиламиз. Биз ахборот-кутубхона муассасаларида ўтказиш мумкин бўлган умумий йирик тадбирлар туркумини намуна сифатида келтирдик.

### **1 кун**

#### **Қадри осмон кексалар**

9 май – “Хотира ва қадрлаш куни” байрами муносабати билан ахборот-кутубхона муассасасида “Очиқ эшиклар куни” тадбири.

“Нуроний кексаларимизнинг жасорати ва фидойилиги биз учун ибратдир” мавзуида кўргазма ва расмлар, шунингдек, бошқа ижодий танловлар тадбири.

### **2 кун**

#### **Билим бекати**

“Ёш авлодни миллий қадриятларга эҳтиёткорлик билан муносабатда бўлиш, кекса авлодни ҳурмат қилиш ва эъзозлаш руҳида тарбиялашда ахборот-кутубхона муассасаларининг ўрни ва устувор вазифалари” мавзуида давра суҳбати.

“Кексалар – оила чироғи” мавзуида семинар-тренинг.

“Кексаларимизнинг бир куни”, “Кексаларимиз ўғитлари”, “Фарзанднинг ота-она олдигаги бурчи ва вазифалари”, “Кексаларнинг ижтимоий муҳофазаси” мавзуларида буклетлар

### **3 кун**

#### **“Ибрат мактаби”**

Ёзувчи ва шоирлар, санъаткорлар, рассомлар, адабиётшунослар ва бошқа соҳа вакиллари билан ижодий учрашувлар ўтказилади.

### **4 кун**

#### **“Ғайратли кексалар” спорт мусобақалари**

Кексаларни жисмоний тарбия ва спорт билан шуғулланишга кенг жалб этишга, фаол турмуш тарзини юритишга йўналтирилган дастурлар. “Кексалар учун гимнастика”, “Мен кексалигимга қарамай ҳаракатчан ва соғломман” ток-шоуси ва бошқалар.

### **5 кун**

#### **“Кексалар завқи”**

“Аср билан юзма-юз” ва “Кексаси бор хонадон – файзли хонадон”, “Кексалар дуосини олайлик” каби турли хил тадбирлар.

Ҳафталикнинг ёпилиши.

Тадбирларнинг фаол иштирокчиларини ва ғолибларни мукофотлаш.

### **Инсон қанча умр кўради?**

Қадимги одамларнинг узоқ умр кўришганига далиллар кўп.

Тарихда юз эллик йил ва ундан узоқ умр кўрган кўплаб одамларнинг номи маълум.

Инглиз деҳқони Томас Парр (XVII) 152 ёшида вафот этган. У 120 ёшида иккинчи бор уйланган. Унинг ҳаёти мобайнида 9 инглиз қироли алмашган. Тўққизинчи қирол Томас Паррни эрмак сифатида сарой зиёратига таклиф қилган.

1797 йили норвегиялик Йозеф Сурингтон 160 ёшида вафот этган. Шу вақтда унинг тўнғич ўғли 103 ёшда, кенжаси эса 9 ёшда эди.

Кавказлик Шерали Муслимов 168 йил умр кўрган. Унинг 13 ўғли, невара, авара, чевараси бор эди. Фаол меҳнатни 100 ёшида тарк этган.

Кейинги бир неча ўн йилликлар мобайнида ер юзида кексалик билан боғлиқ муаммоларга эътибор кучайди. Уни ижтимоий, иқтисодий ва сиёсий жиҳатдан ўрганиш бошланди.

Бирлашган миллатлар ташкилоти (БМТ) маълумотларига кўра, 1950 йил дунёда 60 ва ундан катта ёшдаги 200 миллион одам бўлган. Шундан кейинги 25 йил ичида бу кўрсаткич 1,5 баробар ўсди.

2001 йил катта ёшдаги замондошларимиз 590 миллион кишига етиши мўлжалланган.

2025 йилга бориб дунёда ёши 60 ва ундан катта кишилар миқдори 1 миллиарддан ошиши мумкин, 45 йилдан кейин эса ер юзидаги умумий аҳолининг 13,7 фоизини кексалар ташкил этади.

БМТ Департаментининг берган маълумоти бўйича 2500 йилга бориб бутун дунёда қариялар сафи 580 миллионга етади.

Энг узок умр кўрувчилар орасида Япония биринчи ўринда туради. Бу ерда кексалар 21 миллион кишидан ошган. Улар жами аҳолининг 17 фоизини ташкил этади.

Бу борада Ўзбекистонда аҳвол қандай?

Бугунги кунда мамлакатимизда 60 ёшдан ошганлар сони 2 миллион 873 мингдан кўпроқ кишини ташкил этади. Мустақиллик йилларида халқимизнинг ўртача ёши 1990 йилдаги 67 ёшдан 73,5 ёшга, аёллар ўртасида эса 75,8 ёшга етди. Айти пайтда юртимизда 225 минг нафар 80 ёшдан, 44 минг нафар 90 ёшдан, 8 минг 700 нафар 100 ёшдан ошган табаррук қариялар яшамоқда. Бу рақамларда фаровонликнинг асл моҳияти акс этиб турибди.

Пиру бадавлат инсонларнинг ҳар бешинчиси Фарғона вилоятида истиқомат қилади. Қашқадарё, Бухоро, Андижон,



Наманган, Хоразм ва Тошкент вилоятларида ҳам учинчи аср билан юз кўришаётган инсонлар оз эмас.

### **Донишмандлик ва саодат фасли**

Дугонамнинг онаси жуда дуогўй, сўзларидан бол томади. Онахоннинг дуосини олиш мен учун катта имкониятлар эшиги бўлиб туюлади. Яратгандан мамлакат ва юрт тинчлиги, фарзандларимизга инсоф, қарияларга иймон сўрайдиган бу аёл ўрта мактабни тамомлаб ҳам улгурмай, ўша давр таомилига кўра, турмушга узатилган экан. Бир этак фарзандни дунёга келтириб, уларни элга қўшган, пиру бадавлат онахоннинг бу қадар сўзга чечанлиги, айниқса, дуо қилаётиб, булбулигўё бўлиб кетиши мени шахсан психолог сифатида ҳамиша ҳайратга солади.

Юз-кўзини тақдир йўлларининг сояси – ажин қоплаган бундай момо ва боболар даврасида кўп бўламан. Оғир, босиқ, ҳар бир сўзини минг бир мулоҳаза билан суҳбатдошига етказувчи қариялардан кўп нарсани ўрганишимиз мумкинлиги хаёлимдан ўтади. Назаримда, комил инсон бўлмоқ орзусида юрган ёшларни қариялар суҳбатига кўпроқ жалб қилишимиз керак. Ҳар бир масалада етти ўлчаб бир кесиш учун сабр-қаноат бобида нафақат ёшлар, ҳатто биз ўрта авлод ҳам улардаги орифлик, оқиллик, самимиятдан сабоқ олишимиз керакка ўхшайди... Китобийроқ қилиб айтганимизда эса, ёши улуғ инсонлар босиб ўтган катта ҳаётий йўл жамиятда қарор топиб бораётган маънавий-маърифий жараённинг асосидир.

### **Бувижонлар мактаби**

Фарғона водийсига хизмат сафарим чоғи бир хонадонга борганим эсимда. Оиланинг катта бекаси – ёши улуғ онахон бўлиб, бир нечта келин туширган экан. Ўғил ва келинларнинг онаси билан катта ҳовлида бирга истиқомат қилиши, тўғриси, менга маъқул келди. Беихтиёр ёзувчи Саид Аҳмаднинг “Келинлар кўзғолони” драматик асари кўз олдимда гавдаланди. Овсинлар ўртасида меҳр-оқибат ўрнатилгани, ўғилларнинг бири-бирига елкадошлиги, набираларнинг бири иккинчисига ибрат

бўлаётганини кўриб, ўзбекона қадриятларни қўллаётган оила аъзоларига ҳавасим ортди. Хонадонда ҳукм сураётган барқарорлик, ўзаро ҳамжиҳатлик туфайли ҳеч ким ўзини катта уйга келиб қолгандек сезмайди. Аксинча, бир муштдай бириккан, аҳил, иноқ ва тотув, иродалари кучли, табиатан вазмин оила аъзоларидаги хотиржамлик, файз-барокатга ҳавас қилганман. Бирликнинг сири нимада экан, дея онахонга юзланганимда, ҳар бир иш оила даврасида маслаҳатлашилиб амалга оширилишини айтди. Ўғил ва келинлари, неваралари кўпинча у кўрсатган йўл-йўриқ асосида иш тутишга одатланганликлари боис низо-адоват, келишмовчилик кузатилмас экан.

Юз-кўзида нур балқиб турган хонадон бекасида мен айрим “диктатор” қайноналардаги сингари “айтганим айтган, деганим деган”дек кайфиятни кўрмадим. Оддийгина, оқилагина, турмуш машаққатларида тобланган бир аёл. Гап-сўзида, фикрлашида фақат ўзидан келиб чиқиб фикр юритмаслигини, балки ўзгалар ўрнига ўзини қўйиб кўриб ҳам мулоҳаза қилишини англагандек бўлдим. Ана, оилада соғлом муҳитни яратишнинг негизи ва асоси қаерда?

Бошқа бир онахонни биламан. У қизга “бой”, худо ўғил бермаган, аммо уйли-жойли бўлган қизларининг куёвларини худди ўғли сингари мақташдан сира чарчамайди. Ота-она учун қиз ўстириб, бошқа хонадонга узатиш осонми ёки ўғил вояга етказиб, бошини икки қилиш осонми, дея ўйлаб қоламан уни ҳар сафар кўрганимда. Менимча, ҳар икки ҳолат ҳам ҳамирдан қил суғургандек осон кечадиган иш эмас. Ўғил уйлантириб, қиз чиқарганлар буни яхши англайдилар. Салгина эрка ўсган қиз янги уйга боргач, у ердаги “об-ҳаво”дан ота-онага дарак берса, юрагини дард тимдаласа-да, тишини тишига босадиганлар тўғри қилишади. Узатилган қиз ўша хонадонга туб қўйиб, палак ёзиши керак, урф-одатларимиз шундай. Қўша-қўша қизларини узатиб, бахтини кўрган оналарга ҳар қанча ҳамду сано айтсак арзийди. Ўзбекона урф-одат ва қадриятларимизга кўра, қуда томон ҳам янги келинни аяйди, орадан йиллар ўтиб, янги оиладаги фарзандлар сони кўпаяди. Қайнона бувига, қайнота бувага

айланади. Буви-буважонлар неваралар учун ибрат мактабидир. Халқимизда “Қариси бор уйнинг париси бор” деган нақлнинг пайдо бўлиши, эҳтимол, сочларига оқ оралаб, қўлига асо тушган бобо, момоларимизнинг фарзандлари ва неваралари учун ибрат тимсолига айланаётгани билан ҳам боғлиқ эмасмикан?

Баъзан ёш оила соҳибларининг “Алоҳида чиқиб кетишимиз керак” ёки “Биз алоҳида яшаймиз” деб ғурурланишларига гувоҳ бўлсам, бироз ўйланиб қоламан. Очиғи, бу гапни қўллаб-қувватламайман. Тўғри, мустақил рўзғор юритишнинг муайян афзалликлари бор. Лекин бу қулайликни невараларнинг момо, бобоси дуо ва ўғитларидан баҳраманд бўлиб ўсишига тенглаб бўлмайди. Ота-она ишда, мактабдан қайтган болани ким кутиб олади, ким унинг юриш-туриши, овқатланиш тартиби ва дарс тайёрлаши билан қизиқади? Бу вазифалар мухтарама бува-бувиларимиз гарданида бўлиши керак эмасми, ўйлаб кўринг, азиз ота-оналар, дегим келади.

### **Фандаги талқин қандай?**

Кексалик даврига етган кишининг ҳолатини кузатганмиз. Унинг хатти-ҳаракатлари сустрлашган, юз-кўзи ҳорғин, тетик бўлишга уринади, аммо бунинг уддасидан чиқолмайди, етарли куч-қуввати йўқ. Хўш, қарилик даврига фан қандай баҳо беради? Тиббий нуқтаи назардан қаралганда, қарилик аломатлари эллик ёшдан кейинги даврдан бошлаб кўзга ташланар экан. 60–70 ёшга келиб, инсон организмда кечадиган кўзғалувчи жараён тормозланиш билан алмашинади. Бу ҳолат қариялар юриш-туришида ҳам кузатилади: оғир-босиқлик, вазминлик, мулоҳаза қилиб, сўнгра фикрини айтиш ёши улуғ кишиларга хос бўлиб қолади. Айнан шу сифатлар кексаларга ўз босиб ўтган ҳаёт йўллари тўғри ва оқилона баҳолаш, хулоса чиқариш, тажрибасини ўғит тарзида ёшларга етказиш имкониятини беради экан.

“Қайнона кўрган келин қарқара, қайнона кўрмаган келин масҳара” деган гапнинг тагида катта маъно бор. Ёш келинчак турмуш қуришга тайёр бўлгани билан қайнонаси каби кўп кўйлакни тўздирган эмас. Кўпни кўрган кўп билар, деганларидек, узоқ йиллар мобайнида шакланган

қайнонасининг мактаби келинга сабоқ ва ибрат улашиши керак. Келин унинг ўргатганларини эпласа ва ўзлаштиради, ҳаётда кўп ҳам қоқилавермайди. Қайнонанинг нафақат рўзғор юритиш, балки фарзанд дунёга келтириш, уни парвариш қилиш ва тарбиялаш бобидаги ўғит ва панду насиҳатлари ҳам келиннинг “масхара” бўлиб қолмаслиги учун замин яратади. Қолаверса, қайнона ёшлигида ўзи йўл қўйган хатоликларни, кўрган-кечирганларини бугун сочи оқарганда фалсафий таҳлил қилиб, тўғри маслаҳатини келинига илинадики, бу ҳаёт давомийлигини таъминлашда, авлодлар ўртасидаги риштани мустаҳкамлашда муҳим аҳамият касб этади. Қайнонанинг мактабидан мардона ва муваффақиятли ўтган келин келажақда ибрат олса арзийдиган қайнона бўлиши мумкин.

Кексалар – фахримиз, ҳар бир авлод риштасини боғлаб келаётган, уни мустаҳкамлаш учун бор куч-ғайратини сарфлаётган кишилардир. Уларнинг ижтимоий ҳаётимизда тутган ўрни ва салоҳиятини, ёш авлод тарбиясида тутган беназир ролини инобатга олиб, давлатимиз раҳбари Ислоҳ Каримов ташаббуси билан 2002 йилга “Қарияларни кадрлаш йили” дея ном берилгани ҳали кўпчиликнинг хотирасидан кўтарилмаган бир паллада, орадан роппа-роса ўн уч йил ўтгач, бу ташаббус ва эзгу ҳаракатга янада кенг йўл очилди. Юртимизда хавфсизлик ва осойишталикни таъминлаш, ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан ривожлантириш, мустақилликни мустаҳкамлаш бевосита ва билвосита катта авлод вакилларининг саъй-ҳаракати ва улушига бориб тақалади. Эл-юрт манфаати учун ҳалол меҳнат қилиб келаётган бу инсонлар айни пайтда Ватанимиз келажаги учун хизмат қиладиган фарзандларни ҳам тарбиялаб вояга етказдилар. Йиллар оша, умр сўқмоқларидан донишмандлик фаслига соғ-омон етиб келган нуроний, мунис отахон ва онахонларнинг жамиятимиз фаҳри, оилаларимиз чароғбонига айланаётганининг асл сири ҳам шунда. Қолаверса, ўзбек халқи турмуш тарзининг маънавий бўлаги ҳисобланган каттага ҳурмат, кичикка иззат тушунчаси бугунги кунга келиб яна ҳам сайқалланмоқда, ёш авлод томонидан мамнуният билан қабул қилинаётир. Қаерга, қайси

даврага бормайлик, ёши улуғлар хурматда, ёшлар эса, хизматда эканлигининг ўзи худди шу ҳақиқатни барчамизга тақдим этиб турибди. Давранинг тўри кексаларга, таомнинг аввали уларга, ёшларга йўл-йўриқ бериш, дуо қилиш, ўз умрининг сабоқларини илиниш – бари-бариди донишмандлик даврининг ҳикматлари мужассам эмасми, азизлар?

Кексалик даври инсон ҳаётининг муҳим босқичи бўлиб, турли касб-корда фаолият кўрсатган одамлар учун фалсафий бекатдир. Ҳаёти мобайнида жамият равнақи, оиласи фаровонлиги учун қилган ҳалол меҳнати орқасидан бой тажриба орттириш, уни холис тарзда ўз фарзандлари, яқинлари, ҳамкасблари ва маҳалладошларига узатиш даврини донишмандликка, файласуфликка менгзашимизда гап кўп.

Инсон кексаяди, уни ёшлик ёки ўрта ёш давридагидек сақлаб қолишнинг асло имкони йўқ. Буни илмий тилда **геронтогенез** дейишади. Бу жараёнда шахснинг соғлом турмуш тарзини шакллантиришдаги ва ундан оқилона фойдалана олишдаги роли янада ортади. Масалан, ёшликда тез гапирадиган одам бирдан мулоҳазакор, вазмин бўлиб қолади, ҳадеб яқинлари билан жанжаллашиб турадиган одам босиқ, бамаъни кишига айланади. Кўп ухлашни яхши кўрадиган аёл саҳар туриб, тоат-ибодат қилишга одатланади ва ҳоказо. Яъни, қария ҳар бир нарсани онгли тарзда бошқариш, мулоҳаза юритиш ва шошмай хулоса чиқариш қобилиятини ўзида тарбиялай бошлайди. Ислом таълимотига кўра, ёш улғайиб, қариллик даври тезлашгани сари киши Оллоҳга шунчалик яқинлашаверади. Кексаларнинг дуоғўйлиги, тоат-ибодатга берилишида айнан шу ҳикмат мужассамдек, назаримизда.

### **Роль тақсимоти**

Шарқ менталитетига кўра, жамоатчилик ишлари ва ижтимоий ҳаётда эркакнинг ўрни ҳамда нуфузи баланд қўйилиб, унинг бўйнига рўзғор кам-кўстини бутлашнинг юклатилишига табиий қаралади. Аёл – она эса, асосан оилада саранжом-саришталик ва тозаликни таъминловчи, уй-рўзғорни батартиб қилувчи, жуфти-ҳалоли топиб келган озиқ-овқат, буюм ёки воситани ўрнида ишлатувчи, бола тарбиясига жавобгар шахс

хисобланади. Эридан бемаслаҳат иш тутмасликка одатланган бўлса ҳам, кексайган момолар оилавий муаммоларни ҳал қилишда, фарзандлар хатти-ҳаракатини назорат қилиш, тафтиш этиш, рўзғор юритиш, бошқаришда чоли билан теппа-тенг фикрлашадиган, сўзини ўтказадиган бўлиб қолишади. Шу нарса ўзига хоски, умр бўйи аёлига ўз ҳукмини ўтказиб келган эркак орадан узоқ йиллар ўтиб, кўп нарсаларни кампири билан маслаҳатлашадиган, у билан фикрлашиб иш тутишни фарзандларига уқтирадиган инсонга айланади. Бунинг асл сабаби, юқорида таъкидлаганимиздек, кексалик ва нурунийлик даврида эркак ва аёлнинг тартибли ва соғлом турмуш тарзини яратиш, риюя қилишдаги улушлари тенг бўлишидир. Психологик жиҳатдан таҳлил қилганимизда, эркак ва аёлдаги гендер хусусиятлар қариллик даврида яққолроқ намоён бўла бошлайди. Демак, йиллар ўтган сари эр ва хотиннинг ролларида қайта тақсимот ҳодисаси рўй беради, лекин шу билан бирга жуфтликлар ўртасида ўзаро ишонч ва самимият, меҳр ҳисси кучайиб боради. Кекса отахоннинг ўз уйига қадам қўйган заҳоти болаларига юзланиб, “Онанг қани?” деб сўрашига ким гувоҳ бўлмаган, дейсиз?

Психологлар ўтказган тадқиқотларга кўра, аёллар эркакларга нисбатан шахслараро муносабатларнинг нозик жиҳатларини пухта ўзлаштиришар экан, шу боис уларнинг аралашуви билан мураккаб масалаларни осон ҳал қилиш мумкин, дейишади. Айниқса, бу ҳолат кўпроқ ўрта бўғиндаги раҳбарлик лавозимларида фаолият кўрсатаётган аёлларга хос бўлиб, уларнинг устамонлиги, тадбиркорлиги, бошқа ташкилот ва корхона раҳбарлари билан ўзаро тил топиша олиши туфайли ишлаб чиқариш тармоғи бўладими, хизмат кўрсатиш шохобчасими, таълим даргоҳими, катта муваффақиятлар қўлга киритилади. Бинобарин, оилавий муҳитда аёлнинг нуфузи ва таъсир доираси кенгайишида ана шу фазилат катта роль ўйнайди. Оила қурилган илк йилларда аёлнинг ўз жуфти билан бемалол муносабат ўрнатиши учун вақти тиғиз бўлиб, кўпинча фарзанд тарбияси, уй-рўзғор ишларидан умуман ортмайди. Фарзандлар ўсиб-улғайгани сари унинг вақт тақсимооти кенгая

боради, стресс, танглик борган сари юмшаб, бундан аёл киши оқилона фойдаланадиган бўлиб қолади. Шу тариқа у вазиятга кучлироқ таъсир килувчи инсон сифатида ўз жуфти билан оилани тебратувчи кучга айланади. Бу ижтимоий психологияда исботланган фактдир. Яъни, оила аъзолари сони оз, фарзандлар ёш бўлгани сабабли, аёл ҳар бир ишда фақат эрига мурожаат қилади. Оила катталашиб, келин-куёвлар, куда-андачилик бошланиб кетгач, муносабатлар мураккаблашуви аёлни қисман ўзгартира бошлайди. Бу аслида унинг гендер хусусиятида кузатиладиган ҳолат бўлиб, шахслараро муносабатларда эркакларга нисбатан усталигини исботлайди. Аксарият аёллар турмуш ўртоғининг ҳам бу борадаги эътирофига сазовор бўлади. Аёлнинг асосан, 40–50 ёшдан ўтиб, лидерлик сифатларини намоён этишининг асл сабаби ҳам шунда. Буни психологияда **ижтимоий фасилитация** (инглизча “*facilitate*” – *енгиллаштириш, таъсир қилиш* сўздан олинган) ҳодисаси деб аташади. Реал ҳаёт билан боғлағанда, бир инсон бошқа шахс билан мулоқотга киришса ва қайсидир гуруҳ даврасида ўзини шундай тутадик, бунинг оқибатида у ўзгаларга фақат ижобий таъсир кўрсатади, уларнинг фаолият доирасида кузатилаётган камчилик-нуқсонларнинг тузатилишига сабабчи бўлади. Айнан шу маънода кекса кишининг фасилитацион таъсири оилавий муҳитининг барқарорлиги ва позитив тус олишига имкон беради.

### **Сўровномада аниқланган ҳақиқат**

Ўз фарзанди тарбиясида муайян муаммоларни сезган ёш эр-хотин муаммо ечимини биринчи навбатда ота-оналаридан сўрайдилар. Агар ёшлар ўз ота-оналаридан йироқда яшасалар, уларни уйларига таклиф қилиб, бир келиб кетишларини илтимос қилишади. Улар кекса ота-онасининг ташрифи фарзандлари тарбиясида маълум ижобий ўзгариш ясашига ишонишади. Айнан шу йўналишда ўтказган тадқиқотларимиз натижаси шуни кўрсатдики, нафақат ёш ота-оналар, балки уларнинг фарзандлари ҳам “Сирингизни кимга ошкор қилишни хоҳлардингиз?” деган саволга 55 фоиз ҳолатда “Бувам, бувимга”

деган жавобни белгилашди. Демак, ўсмир учун ҳам ёнида ўзига яқин кексаларнинг бўлиши энг муҳим омил экан.

Ёшлар билан ўтказган суҳбатларимизда ота-она дашномларига беписанд бола бобоси ёки момосининг панд-насиҳатини кўпроқ инобатга олиши маълум бўлди. Бахт индексининг юқорилиги одатда оиласи катта, яъни кекса авлод вакиллари билан бирга яшовчи ўсмирларда кузатилди. Инжик бола ҳам кексалар билан мулоқотда ўзини бошқачароқ тутишини кўрганмиз. Момосининг самимий эркалашлари хаттоки тили чиқмаган гўдакка-да ёқади. Ўз ота-онасининг вақти тиғиз, эр ва хотиннинг ўзаро муносабатларидаги бошқа муаммолар, турли зиддият ва низоларни мурғак қалбига сиғдиролмаган бола момоси ёки бобосининг ўгитларидан ўзига тўғри хулоса чиқара бошлайди. Шу боис меҳмон бўлиб келган кекса бобосининг этагига ёпишиб, “кетманг” деб илтижо қиладиган набиралар кўп.

Яқинда талаба-ёшлар билан бобо-момоларига муносабати қандайлиги хусусида очиқ мулоқот қилдик. Улар оилада кекса авлод вакиллариининг биргаликда яшаши бир қатор оилавий зиддиятларни ечишга имкон беришини таъкидладилар. Жонли мулоқотдан сўнг қуйидаги хулосаларга келдик.

**Биринчидан,** бўлинмаган патриархал типли оилада кекса авлод вакиллариининг бўлиши эр ва хотин ўртасида зиддиятларнинг очиқ намоён бўлмаслигини таъминлайди. Зеро оилавий муносабатларнинг психотерапевтик аҳамияти шу билан ўлчанади.

**Иккинчидан,** оилада кўпчилик бўлиб яшаш кичик жамоанинг бюджетига ижобий таъсир кўрсатади. Чунки ишлаб топилган маблағни тўғри тақсимлашда кексалар тажрибаси, молиявий маданияти ёшларга ҳар жиҳатдан қўл келади.

**Учинчидан,** оилада янги меҳмон дунёга келса, уни соғлом ривожлантиришда кексалар иштироки ижобий роль ўйнайди. Тажрибасиз, ҳар бир ҳаракатининг тўғри ёки нотўғрилигидан ҳадиксирайдиган келин қайнонаси ёки онаси олдида ўзини дадил тутати. Чақалоқни чўмилтиришдан тортиб, қорнини



тўйдириш, очиқ ҳавога олиб чиқишгача бўлган барча ҳолатларда момолар мактаби ёш онага, дейлик, неварга келинга қўл келади.

**Тўртинчидан**, бобо ва бувилар ўсмирлик даврини бошдан кечираётган бола хулқининг доимий назоратда бўлишини таъминлайди. Уларнинг дашном ва талаблари болада у қадар норозилик ҳиссини пайдо қилмайди. Ота-она танбеҳи эса негадир унинг кўнглига оғир ботади ва буни бажонидил, оғринмасдан қабул қила олмайди.

**Бешинчидан**, оилада қадриятларнинг бардавомлиги, ҳалол ва ҳаром, исроф ва увол тушунчаларини қарор топтириш кўпни кўрган момо ва боболарнинг беғараз ҳиссасига тўғри келишини унутмаслигимиз керак. Миллий урф-одат ва удумлар, қадриятлар ёки замонага мос тартиб-қоидаларнинг қўлланилишида мухтарам онахон ва отахонлар бой тажрибага эгадир.

**Олтинчидан**, қариялар ўғли ва келини орасида ўрнатилиши керак бўлган позитив муносабатларда ўз ўрнига эга. Улар бўлмаган кезде жанжаллашишга “шай” бўлиб турган эр-хотин қайнота ёки қайнонанинг қадам товушини эшитибок ўз ҳиссиётларини босиш учун куч топади, очикроғи, шунга ўзини мажбурлайди.

Сўровнома шундай хулоса бердики, ёшлар турфа хил фикрга эга бўлишса-да, барчасини ижобий деб қабул қилиш мумкин. Тўғри, айримлар ёш оила мустақил бўлиб яшаса-да, муайян ҳаётий тажрибани мустақил тарзда эгаллашига ишора қилганлар ҳам бўлди. Лекин ҳар қалай ота-она, бобомомоларнинг бой ҳаётий тажрибасини бирорта ҳам иштирокчи инкор этмади, аксинча, улардан кўпроқ нарсани ўрганиш ва олиб қолиш кераклигини эътироф этишди.

### **Руҳий-физиологик жиҳатлар**

Кексалик ва нуронийликда инсон руҳиятига хос яна бир муҳим жиҳат – уларнинг ўз сўз бойлигини тўла намоён этишга интилишидир. Илгари кўпчилик ўртасида гапиришдан ийманган аёл энди маҳалла йиғинлари ва давраларда жуда чиройли гапирадиган, сўзларини маржондай тизиб, асосли фикрлар берадиган бўлиб қолади. Салобатли ўғиллар ҳам онаси олдида

бош эгиб, унинг суҳбатларию сўзларидан бахраманд бўлиб ўтиришади. Демак, кексалик даврининг шахс коммуникатив қобилиятлари ва муомала маданиятини эгаллашдаги ҳиссаси ва ўрни ҳам каттадир. Шундай оилаларни биламизки, раҳбарлик лавозимида ишлайдиган ўғил ишдан қачон қайтмасин, уни бедор кутиб ўтирган онасининг суҳбати ва дуосини олмасдан ўз уйига кириб кетмайди. Чунки ўғил яхши англайдики, онадан оладиган маънавий озукаси унинг ўз уйидан ташқарида амалга оширадиган давлат аҳамиятига молик ишларида муваффақият келтиради. Ҳадисларда уч хил дуонинг мустажоб бўлишига ишорат қилинган: **мазлумнинг дуоси, мусофирнинг дуоси ва ота-онанинг фарзандига дуоси**. Иши юришмай қолган киши сабабни ота-онасининг дуосини олмай қўйганидан изласа, бу тўппа-тўғри фикр ҳисобланади. Демак, халқимиз тилида асрлар оша бизга қадар етиб келган “Олтин олма, дуо ол, дуо олтин эмасми?”, “Дуо олган омондир, қарғиш олган ёмондир” деган нақллар замирида жуда катта маъно яшириндир. Айниқса, кексалар дуосини, раҳматини эшитишга шошилишимиз керак, улар ғанимат...

Изланишлар шуни кўрсатадики, ёшлигида оддий амалларнинг аҳамиятини унчалик англаб етмаган киши кексайган чоғда мантикий фикрлайдиган, қувваи ҳофизаси кучлилиги билан ён-атрофдагиларни ҳайратга соладиган бўлиб қолади. Ёшлар таажжубда, улар эслолмайдиган воқеа аниқ-тиниқ тафсилоти билан отахонлар ҳикоясида акс этади. Фақат кексалар хотираси **ретроспектив** (илгари бўлиб ўтган) характерда, аввал бошдан кечирган воқеа-ҳодисалар мазмуни ёдларида теранроқ тикланади ва улар тўғрисида бажонидил гапиришса, яқин даврларда содир бўлган воқеалар мазмуни, аксинча, қийинроқ эсланади. Бу, чиндан ҳам, кўпчилик ишониб-ишонмайдиган парадоксдир.

### **Умр босқичлари**

Умрнинг етуқлик фасли – кексалик даврини ўрганишга нафақат тиббиёт соҳаси, балки психология фанида ҳам эътибор қаратиб келинмоқда. Ўтган асрнинг 20–30 йилларидан бошлаб рус олими Н. Н. Рыбников бу даврни илмий жиҳатдан

тавсифлаш мақсадида фанга “акмеология” иборасини киритди. Ушбу атаманинг луғавий мазмунига эътибор берадиган бўлсак, ўзагидаги “акме” – “юқори нуқта”, “такомил босқичи” деган маънони билдиради. Аслида психологлар бу давр 25 ёшдан бошланишини эътироф этсалар-да, охириги йилларда қариялик даври алоҳида ўрганиладиган йўналишга айланмоқда. Зеро акмеологик жараёнда ҳар бир киши шахс сифатида ривожланиб, унинг ижтимоий ҳаётдаги турли жабҳаларга сингиб кетишида ўзига хослик кузатилади. У ўз имкониятларини тўла намоён этиб, онгли тарзда жамиятга мослашар экан, қандайдир натижаларга эришади. Бунда унинг нимага қодирлиги кўриниши мумкин. Фанда кексалик даври ва унга алоқадор жиҳатлар уч босқичга бўлиб ўрганилади:

кексайиш даври: эркаклар учун – 60–74 ёш, аёллар учун – 55–74 ёш оралиғида;

нуронийлик даври: эркаклар ва аёллар учун – 75–90 ёш оралиғи;

умрбоқийлик – 90 ёш ва ундан ортиқ, яъни 100 билан юзлашув даври.

Маълум бир даврларга бўлинган умр босқичларининг ўзига хосликлари мавжуд. Бунинг бутун инсоният ҳаётига тегишли бўлган муштарак жиҳатларини ҳам кузатиш қийин эмас. Бошқача айтганда, умумий психологик, физиологик қонуниятга кўра, **гетерохронлик** жараёни, яъни инсон вужудида рўй берадиган ўзгаришларнинг бир-бирига ўхшамаслиги ва такрорланмаслиги кузатилади. Баъзан у ёки бу шахсинг кексайишига баҳо бериб, “Жуда яхши қарибди, юзидан нур ёғилади”, “Ниҳоятда нуроний киши”, “Мунисгина аёл экан” каби иборалар ишлатилади. Нима бўлганда ҳам, кексалик инсон ҳаётининг муҳим босқичи бўлиб, турли касбий фаолиятга умрини бағишлаб келган одамлар учун ўз ҳаётини сарҳисоб қилиш фаслидир. Ҳаёти мобайнида жамият ривожи, оиласи фаровонлиги ва инсоният тараққиёти учун қилолган ҳалол меҳнатига боғлиқ ҳолда турлича “кексайиш” эътироф этилади.

Ёшлигида ижод билан шуғулланган олим, адиб, санъаткорларнинг айнан кексалик даврида етук асарларни

яратганига тарихда мисоллар кўп. Ижод қилишга умрини бахшида этган кишиларни кўп ва хўб асарлар яратишга ундаган нарса имкон қадар вақтдан ютиш ва унумли фойдаланиш ҳисси бўлса керак. Чунки вақт тезкор. Муҳтарама қарияларимиз эса вақтнинг ғаниматлигини, кутиб турмаслигини донолик билан илғайдилар.

### **Давлат сиёсатидаги устувор вазифа**

Бир мавзу доирасида атрофлича фикр-мулоҳаза юритдик, гўёки бунга нуқта қўйса ҳам бўладигандек. Аммо мавзунинг қайсидир жиҳатлари назаримиздан четда қолмадимикан, деган фикр ҳам йўқ эмас. Муҳтарам Юртбошимиз Ислоҳ Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 22 йиллигига бағишланган тантанали маросимда **“Барчамизни оқ ювиб, оқ тараган, она юртимизнинг оғир юкини, унинг қувонч ва ташвишини умр бўйи елкасида кўтариб келган мўътабар боболаримиз ва момоларимизни, ота-оналаримизни рози қилиш, уларнинг дуосини олиш – дунёдаги энг улуғ, энг савобли иш десам, ўйлайманки, барчангизнинг фикрингизни ифода этган бўламан”**, дея алоҳида таъкидлагани бежиз эмас. Демак, қариялар кадрланишга муносиб, кексалик даврида ҳар бир киши эъозланиши керак. Давлат сиёсати даражасига кўтарилган бу масалада қуйидаги жиҳатларга эътибор қаратиш керак, деб ҳисоблаймиз.

**Маънавий-маърифий ишларга кексаларимизни жалб қилайлик.** Педагог ва мураббийлар олдида кекса авлод вакилларининг жамиятимиз моддий-маънавий юксалишидаги камтарона ҳиссасидан ёшларни хабардор қилиш, бой тажрибасидан унумли фойдаланиш масаласи кўндаланг қўйилмоқда. Бу фақат жорий йилда эмас, ҳар доим ва мунтазам равишда эътибор қаратиладиган ишдир. Узлуксиз таълимнинг барча бўғинлари – мактабгача, умумий ўрта, ўрта махсус, касб-ҳунар, олий таълим муассасаларида тарбиявий, маънавий-маърифий ишларни ташкил этиш ва ўтказишда қуйидаги умумий тамойилларга таянган ҳолда ишлашни таклиф этамиз:

Ўтказиладиган тадбирларнинг барчасида мустақиллигимизни мустаҳкамлаш, халқ фаровонлиги йўлида ҳалол меҳнат қилган инсонлар иштироқи таъминланиши керак. Ўқув муассасаси мутахассисликлари инobatга олинган ҳолда, ўша соҳанинг таниқли вакилларини таклиф этиш, улар фаолиятини тарғиб этиш орқали ёшларда профессионал йўналиш ва касбга меҳрни янада мустаҳкамлаш кўзда тутилиши лозим;

